1-4 8951

*Илм – ўзни билмакдир*

# МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

*Халқ зиёлилари газетаси* **1931 йилдан чиқа бошлаган** **1995 йил 26 июль, чоршанба**

**Баҳоси сотувда эркин нархда.**
*29 (6675)*

*1 август — абитуриентлар учун тест синовлари куни*

## ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Ёшлар — ватан келажаги. Улар халқ ва юрт манфаати йўлида фидойи, билимдон, малакали мутахассислар бўлиб етишса, буюк давлат барпо этишдек эзгу орзумизга тезроқ эришамиз. Улар орасидан ҳақиқий иқтидор эгаларини танлаб олиш — ўқув юртларига талаба қабул қилишнинг асосий шартидир.

24 июль куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов бошқарди. Мажлисда алоқадор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимликлар ҳамда тегишли ташкилотлар вакиллари, олий ўқув юртлари ректорлари иштирок этди.

Мажлисда республикамиз ўқув юртларига ҳужжатларни қабул қилиш натижалари ва тест синовларини ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимиз халқ хўжалиги тармоқлари учун зарур мутахассисларни етиштириш, хусусан, қабул имтиҳонларини юқори савияда ўтказишга катта эътибор берилаётганини таъкидлади. МДҲ мамлакатлари орасида Ўзбекистонда илк бор анъанавий қабул имтиҳонларидан воз кечилиб, тест синовлари жорий этилди. Холис ҳамда адолатлилиги билан устун бўлган мазкур усул энг билимдон, қобилиятли ёшларни танлаш имконини бериши тажрибада исботланди. У йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Бу йил қабул имтиҳонларини ўтказишга пухта ҳозирлик кўрилди. Абитуриентларга қулайлик яратиш мақсадида «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталарида тест саволлари чоп этилди. Телевидение ва радио орқали, газеталарда бир неча маротаба тест асосида имтиҳон топшириш шартлари тушунтирилди.

Мажлисда абитуриентларни аввалдан тайёрлаш мақсадида лицей ва гимназиялар ташкил этган ўқув юртлари тажрибасини оммалаштириш, қабул қилишнинг навбатдаги масъулиятли қисми — имтиҳонларни бекаму-кўст ўтказиш зарурлиги уқтирилди. Тест синовларини ўтказишга доир бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев сўзга чиқди.

**(ЎзА).**



## ОЛТИН ДАВР ОСТОНАСИДА

*Биринчи август! Гарчи бу сана календарда қизил ранг билан бўялмаган бўлса-да, юртдошларимиз учун катта байрамдир. Худди шу кун Олий ўқув юртларига абитуриентларни қабул қилиш маросими — тест синовлари ўтказилади. Ҳаяжонли, қувончу изтиробли туйғулар яна бир карра қонларни қиздиради.*

*Биринчи август — хотирада мангу муҳрланиб қоладиган кун! Бу кун нияти холис, ўқишу ўрганиш меҳнатидан қочмаган, аллакимларнингдир кўмагига кўз тутиб, ўзини-ўзи алдамаган билимли ўспиринлар учун «ўқув юрти талабаси» деган унвон илк табассумини ҳадя этади.*

*Талабалик — олтин давр! Бироқ у баъзилар ўйлагандек ўйинқароқлик, енгил-елпи турмуш, ишқий саргузаштлар фасли эмас. Аксинча, «игна билан қудуқ қазийдиган», ҳаётнинг ранг-баранг қирраларига жиддий назар солиб, ўз дунёқарашини, ўз эътиқодини шакллантирадиган даврдир! Айниқса, Ўзбекистонимиз жаҳонга юз тутиб, юксак тараққиёт зинапояларига оёқ қўяётган айни кунларда ёшларимиз елкасидаги талабалик масъулияти кескин ошгандир. Улкан шоиримиз Ғафур Ғуломнинг: «Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди, билиб қўйки, сени Ватан кутади», деган даъваткор сатрлари чинакам маъно касб этадиган, мустақил мамлакатимиз юкига навқирон елкаларни тутиб берадиган фасл келди! Олтин даврнинг бўсағасида турган ёшларимиз бу ҳақиқатни чуқур англаб етаётганликларига ишонамиз! Ватанга энди элим деб, юртим деб ёниб яшай оладиган, замонавий билимларни мукаммал ўзлаштирган малакали мутахассислар керак.*

*Биринчи август! Умидлар, ниятлар, тилаклар куни! Ватаннинг эртанги юкини елкага олиш ниятида ҳаяжонланиб турган ука-сингилларимизга омад тилаймиз!*

## ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

**22 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Мажлисни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.**

— Мустақиллик байрами қурилиш, юртимизни ободонлаштириш борасидаги ишларимизнинг ўзига хос намойишига айланмоқда, — деди И. Жўрабеков. — Бу йил ҳам байрамга қизғин тайёргарлик кўриляпти. Тошкентдаги «Диснейленд»нинг ишга тушиши, пойтахт Эски шаҳар қисми гўзал қиёфага кириши, янги қурилаётган бозорлар, хиёбонлар, йўл ва кўприклар шулар жумласидандир. Вилоятларда ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳар бир ватандошимиз қалбида шукуҳ уйғотиши табиийдир.

Мажлис иштирокчилари Мустақиллик байрами муносабати билан Тошкент шаҳрида ўтадиган халқ сайллари, маданий тадбирлар ва уларни ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган вазифаларни муҳокама қилди. Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов байрам арафасида Тошкент шаҳрида фойдаланишга топшириладиган қурилиш иншоотлари ва байрам тантаналари ўтадиган асосий саҳналар қурилишининг якунлари тўғрисида ҳисобот берди. Шунингдек, ташкилий масалалар юзасидан республика маданият ишлари вазири Эркин Ҳайитбоев ва Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов сўзга чиқдилар.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари С. Саидқосимов, М. Усмонов, Р. Юнусов иштирок этди.

**(ЎзА).**

*Туркистон умумий уйимиз*

### МУСОБАҚАЛАР БОШЛАНДИ

Кеча пойтахтимизнинг Юнусобод тутманидаги хушманзара «Зилола» оромгоҳида II халқаро «Туркистон соврини» спорт-техника мусобақлари тантанали вазиятда очилди.

Мусобқани ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзоси, республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази директори Т. Қорабоев кириш сўзидан сўнг Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев мусобақа қатнашчиларини қизғин қутлаб, уларга муваффақиятлар тилади.

Тантанали маросимда Қирғизистон Республикаси Болалар техник ижодиёт маркази директори ўринбосари Н. Д. Полянчко, ҳакамлар бош ҳайъати раиси, «Ватанпарвар» жамияти раиси муовини Г. Ю. Калонов сўзга чиқиб, мусобақалар уюшқоқлик билан ўтишига ишонч билдирди.

Мусобақалар очилиши маросимида республика халқ таълими вазири муовини Х. Ф. Маъсудов, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи, вазир муовини Ҳ. Қ. Йўлдошев, шаҳар ва туман ҳокимияти, ҳомийлик қилувчи ташкилот вакиллари иштирок этишди.

Куннинг иккинчи ярмида «Боғи Эрам», «Ўзбекистон» миллий боғи ва бошқа майдон ва хиёбонларда мусобақалар бошланиб кетди.

**Мухбиримиз.**




## ДЎСТЛИК ҒАЛАБА ҚОЗОНАДИ

*Марказий Осиё республикалари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва қардошлик муносабатлари халқ таълими соҳасида ҳам изчил амалга оширилмоқда. Уни мазкур республикалар халқ таълими вазирликлари томонидан тузилган шартномага мувофиқ уюштирилаётган «Туркистон соврини» мусобақаларида ҳам яққол кўриш мумкин.*

*Мухбиримиз Тошкентда 25 — 28 июль кунлари ўтказиладиган «Туркистон соврини» спорт-техника мусобақалари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бошқармаси бошлиғи Марат Шафиевдан қардош республикалар ўқувчилари беллашувларини ўтказиш ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.*

— Ўтган йили Қирғизистон Республикасининг пойтахти — Бишкек шаҳрида Марказий Осиё республикалари ўқувчиларининг I дўстлик фестивали ўтказилган эди. Унда қардош халқлар фарзандлари ўз техник ижодкорлик маҳоратларини намойиш қилишганди.

Тошкентда «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида бу йил уюштирилаётган «Туркистон соврини» Спорт-техника мусобақаларида ўзаро келишувга мувофиқ, ўқувчилар тўрт кун мобайнида олти хил йўналиш — авиамодел, кема моделчилиги, автомодел, ракета моделчилиги, автокўпкураш, картинг бўйича малака ва маҳоратларини кўрсатадилар.

Спорт-техника мусобақаларида ҳар бир республикадан 27 кишидан таркиб топган команда иштирок этади. Мусобақа ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси эса беллашувларда иккита команда билан қатнашади.

Спорт-техника мусобақалари жойларда техник ижодиёт марказлари фаолияти аҳволини яққол намойиш этувчи кўрик ҳамдир. Шу жиҳатдан республикамиз шаънини ҳимоя қиладиган Тошкент шаҳри ва вилояти, Фарғона, Самарқанд, Навоий ва Андижон вилоятлари вакиллари мусобақаларда ўз маҳоратларини кўрсатадилар, деб умид қиламиз.

Мусобақаларни ўтказиш учун пойтахтимиздаги энг яхши майдонлар, истироҳат боғлари ва хиёбонлар, автодром ва аэродромлар ажратилган.

Қардош республикалар ўқувчиларининг мазкур спорт-техника мусобақаси ёшларнинг техник ижодиётини ривожлантиришга ёрдам бериши шубҳасиз.

Биз мусобақа қатнашчилари учун маданий-маиший шароитлар яратишга ҳаракат қилдик. Улар бўш вақтларида Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларида, театр ва саройларида, музейларда бўлишади. Пойтахт ўқувчилари қардош ўлкалардан келган дўстларига концерт дастурларини намойиш этишади.

Мусобақа ғолиблари ва совриндорларига атаб махсус совғалар, фахрий ёрлиқлар ҳозирлаб қўйилди.

Ишончимиз комилки, «Туркистон соврини» спорт-техника мусобақалари уюшқоқлик билан ўтиб, чинакам дўстлик ва қардошлик байрамига айланиб кетади. Бу беллашувларда мағлублар бўлмайди: дўстлик ғалаба қозонади!

**Ғ. МАННОПОВ.**

*Истиқлол одимлари*

Эҳтиёж — янгилик сари иштиёқ уйғотади. Бинобарин, мустақиллик боис мамлакатимиз маорифи соҳасида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар маънавий эҳтиёж маҳсулидир. Таълим жамоаларининг ижодий изланишлари туфайли тажриба майдончалари кенгаймоқда, илғор педагогик иш усуллари юзага келаётир. Таълимни замон эҳтиёжидан келиб чиқиб ташкил этиш борасидаги янгиликлардан яна бири боғча — мактаб — ҳунар билим юрти — институт мажмуини яратишдир.

Янгиликдан қандай мақсад кўзда тутилган, унинг таълим тизимини ислоҳ қилишдаги аҳамияти нималардан иборат? Ана шундай саволларга жавоб олиш мақсадида мухбиримиз Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Давлат таълим стандартлари бўйича республика инспекцияси бошлиғи Рустам АҲЛИДДИНОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

## УМИДБАХШ КУРТАКЛАР

**боғча — мактаб — ҳунар билим юрти — институт мажмуаси хусусида**

***— Рустам Шеронович, ташкилий жиҳатдан янгича кўринишдаги таълим мажмуасини яратиш моҳияти нималардан иборат?***

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида «Мактаб — ўрта — олий таълим — илмий-тадқиқот институтлари шаклидаги илмий-маърифий комплексларни вужудга келтириш йўлидан бориш керак», деб халқ таълими ривожланишининг стратегик йўналишларини белгилаб бердилар. Ҳозир шу асосда вазирлик ва унинг тасаррруфидаги айрим халқ таълими бошқаруви органлари турли кўринишдаги (болалар боғчаси — таянч мактаб; мактаб — ҳунар билим юрти; мактаб — ўрта махсус ўқув юрти; мактаб — олий ўқув юрти; мактаб — илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси; катталар таълим маркази — мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинати; катталар таълим маркази — таянч мактаб) таълим мажмуаларини яратиш ҳамда мавжудларини мазмунан бойитиш борасида ижодий изланишлар олиб боришяпти.

Мажмуалар иш фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, уларда таянч ва ўрта мактаб битирувчиларини ижтимоий ҳимоялаш биринчи галдаги вазифа қилиб белгиланган. Таълим мажмуаси таркибидаги ўзаро боғлиқ фаолият йиллар давомида ечилмаган долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам катта шарт-шароитлар яратади. Буни Тошкент шаҳар ҳокимияти халқ таълими Бош бошқармасининг таълим мажмуалари орқали таянч мактаблар битирувчиларининг умумий ўрта маълумот олиш ва касб эгаллаш ҳуқуқини таъминлаш бўйича олиб бораётган ижобий ишлари мисолида кўриш мумкин.

Давлат таълим стандартлари бўйича республика инспекциясининг 1995 йилга мўлжалланган иш режасига асосан таянч мактаб ўқувчилари ва битирувчилари ҳуқуқи муҳофазаси билан боғлиқ масалалар Тошкент шаҳар ҳокимияти халқ таълими Бош бошқармаси, Миробод, Юнусобод ва Собир Раҳимов туманлари халқ таълими бўлимлари ҳамда улар тасарруфидаги 17 та турли муассасалар фаолияти мисолида ўрганиб чиқилди.

Шаҳарнинг юқорида қайд қилинган туманларида 1994 йили 8880 ўқувчи таянч мактабларни битиришган. Туман ХТБлари берган маълумот ва сайланма равишда жойлардаги таълим муассасаларининг мазкур йўналишдаги фаолиятлари таҳлили шуни кўрсатдики, 9-синфни битирган ўғил-қизларининг 54,3 фоизи ўрта мактабларнинг 10-синфида, 16,2 фоизи ҲБЮда, 3,7 фоизи кечки ва сиртқи шаклдаги ўқув муассасаларида таълим олаётирлар. Ўқувчиларнинг 15 фоизи ишга жойлашган, 3 фоизи шаҳардан ташқарига кўчиб кетган.

1994/95 ўқув йилининг бошланишида ўқиш ва ишга жойлашмаган ўқувчилар 70 (0,8 фоиз) нафар бўлиб, текшириш пайтида бундай ўқувчилардан 36 (0,4 фоизи) нафари бўш қолгани аниқланди. Шулардан 14 нафари хасталиги туфайли уйда, қолган қисми маҳаллий миллат қизлари бўлиб, уй-хўжалик ишлари билан машғулдирлар. Ўрганилган 260-, 265-, 273-, 53-мактабларда 9-синф битирувчиларининг таълим олишни давом эттириши, касб эгаллаши ва ишга жойлашиши тўлалигича амалга оширилган.

Улар бундай натижаларга Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ўрта маълумот олишлари ва касб эгаллашлари учун қўшимча шароитлар яратганликлари ҳамда мақсадли ишларни йўлга қўйганликлари туфайли эришганлар.

***— Таълим муассасалари бу янги йўналишни яратиш мобайнида қандай ҳамкорликка асосландилар?***

— Ҳозирги замон ёшлари талабларини қондирадиган ва мавжуд шарт-шароитларга жавоб берадиган янги шакл ва йўналишларни қидириш, уни ҳаётга татбиқ этишда ҳамкорликсиз иш юритиб бўлмайди. Ҳозир бандлик хизматлари билан ҳамкорлик жонланмоқда. Масалан, Юнусобод туман ХТБи ишга жойлаштириш бюроси билан биргаликда ўрта мактаб битирувчилари учун бўш ишчи ўринлар ярмаркасини ўтказмоқда. Ёзги таътил вақтида ўқувчиларни «Ўзбексельмаш», «Юлдуз» корхоналари, ободонлаштириш бошқармаси, Ботаника боғи ва 5-болалар касалхонаси каби корхона ва муассасаларга вақтинча ишга жойлаштириш борасида амалий қадамлар қўйилмоқда.

Таълим муассасалари фаолиятининг янги йўналиши сифатида ўқувчиларни бозор муносабатларига ўтиш даврида ўқишга ва ишга тайёрлашнинг турли шаклларини кўрсатиш мумкин. Масалан, 1993 йили Миробод туманига қарашли 53-мактаб Тошкент давлат Шарқшунослик институти қошидаги «Маркетинг»

*(Давоми 3-бетда).*

*«Маърифат» хабарлари*

### «ЭТИ СИЗНИКИ, СУЯГИ БИЗНИКИ»

Қашқадарёда ўсмирлар таълим-тарбиясини юксалтиришга эътибор кучаймоқда. Хусусан вилоятнинг 9-синфни битирган ўқувчи-ёшлари учун бир қатор махсус мактаблар ташкил қилинаяпти. Китоб туманидаги экологик лицей, Шаҳрисабз шаҳридаги иқтисод ва математика йўналишидаги лицей ва Қамашидаги табиий фанлар лицей-интернатлари янги ўқув йилидан фаолият бошлайди. Бу ўқув масканларининг ходимлари ҳузурларига ҳар йили 100 нафардан шогирд чорлаб, уларни элга билимли ва тарбияли қилиб қайтаришга аҳд қилганлар.

### БОҒЧАГА СОҲИБҚИРОН ТАШРИФИ

Баҳористондаги «Наврўз» болалар боғчасида шарқона услубда безатилган «Амир Темур хонаси» ташкил этилди. Тарбиячи Қурбоной Янгибоеванинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари туфайли хонада болаларга буюк бобомиз ҳаётидан улгу бергувчи жиҳозлар етарлича топилади... Ҳар нечук, ҳарф танишдан ҳам бурун боболаримизни таниб-билиб қўйсак яхши-да.

### МЕЗБОН МЕҲМОННИ ЙИҚДИ

Хўжаобод туманида жойлашган Ардай болаларнинг ёзги дам олиш масканида ёш геологларнинг Республика анжумани бўлиб ўтди. Унда турли вилоятлардан келган ёш «ғазнатопар»лар тоғ жинслари ва минералларни аниқлаш, уларнинг харитасини тузиш, маъдан қазилмаларини топиш, ер ости бойликларининг табиий ва кимёвий хусусиятларини айтиб бериш каби шартлар бўйича беллашдилар. Оқибат, мезбон болаларнинг «кўчасида байрам» бўлиб кетди. Мусобақанинг асосий совринли ўринлари андижонликларга насиб этди.

### ЙЎЛКИРА ЁНГА ҚОЛДИ

Самарқанд вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти маъмурияти қўллаган тадбир туфайли қишлоқ ўқитувчиларининг вилоят марказларига қатнаб ўқишларига чек қўйилди. Энди ўқитувчилар институтнинг туман марказларида очилган мавсумий филиалларида малака оширмоқдалар. Яқинда Жума шаҳрида ташкил қилинган шундай бир ойлик филиал-курсда Паст Дарғом тумани мактабларида саккизта фан бўйича дарс бераётган 240 нафар ўқитувчи ўз малакаларини оширдилар.

### БАЙРАМ БОЛАЛАРНИКИ

Риштон тумани маданият уйида боғча болаларининг байрами ўтказилди. Бунда жажжи ўғил-қизлар шеър айтишди, қўшиқ куйлаб рақсга тушишди, турли спорт ўйинлари ўйнашди, хуллас бир яйрашди-да. Шунингдек, байрамда болалар ва тарбиячилар ясаган турли қўл меҳнати намуналари кўргазмага қўйилиб, катта олқиш олди.

### «УСТОЗЛАР БОҒИ»

Вилоят халқ таълими бошқармасининг Хонқа туманидаги Бобожон Бекматов номидаги 12-ўрта мактабда жорий йилнинг баҳорида ўтказилган экологик тарбия муаммоларига бағишланган кўчма ҳайъат йиғилишида «Устозлар боғи» барпо қилиш ҳақида фикр юритилганди. Бунга асос бор эди. Мазкур мактабга оталиқ ташкилоти — Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бир гектар ер ажратиб берганди. «Устозлар боғи» барқ уриб кўкармоқда.

### СЕМИНАР МАВЗУСИ: ЭКОЛОГИЯ

Янгибозор туманидаги Сотиболдиев номидаги мактабда экологик масалаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Хоразм табиатини асраш, бозор иқтисодиёти шароитида экологик тарбияни яхшилаш, мактаб экин майдонларидан унумли фойдаланиш, ўқувчиларнинг экологик тарбиясини такомиллаштириш ва уларни касбга йўналтириш, болалар боғчалари, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларида экологик тарбияни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди, бу борадаги вазифалар белгилаб олинди.

### КЎРИК-ТАНЛОВ

Умуман, Хоразм вилоятининг шаҳар ва туманларида экологик кўрик-танлов ўтказиш анъанага айланган. Жумладан, 1994 йил якунига кўра Боғот, Қўшкўпир туманлари ва Хива шаҳри — биринчи, Янгибозор тумани, Урганч шаҳри — иккинчи, Шовот тумани учинчи ўринни эгаллади.

Мактаблар бўйича Боғот туманидаги А. Яссавий номидаги, Хива туманидаги 13-илм масканлари биринчи ўринни олишди. Ғолибларга мукофотлар топширилди.

**Ўз ва жамоатчи мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.**

# Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

## ТАЪМИР ҚИЛИБ, ТАДБИР ТУЗИБ...

Янги ўқув йилига тайёргарлик масаласини тор доирада тушунувчилар ҳам йўқ эмас. Яъни мактаб биноси, ўқув хоналари, стол ва стуллар, парталар таъмирдан чиқарилди-ми, вассалом, мактаб янги ўқув йилига шай дея овоза қилинади. Аслида ундай эмас. Таълим муассасасининг янги ўқув йилига тайёрлиги жуда кўп масалаларни ҳал этишни талаб этадиган ва ўқув йили муваффақиятини таъминлашга замин бўладиган мураккаб жараёндир. Буни Тўрақўрғон туманидаги академик Иброҳим Мўминов номидаги 1-ўрта мактаб мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мактаб тумандагина эмас, балки Наманган вилоятида ҳам тилга тушган таянч таълим муассасаларидан биридир. Билим масканига моҳир ташкилотчи, тажрибали педагог, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Ф. Эгамбердиев раҳбарлик қилиб келмоқда. Директор билан янги ўқув йилига ҳозирлик ҳақида суҳбатлашарканмиз, «Тайёргарлик ишларимиз энди қизғин паллага кирди», деди. Ҳолбуки, билим масканидаги 43 та синф хонаси, заллар, хизмат кўрсатиш иншоотлари, деярли барча ўқув воситалари ва жиҳозлари аллақачон сифатли таъмирдан чиқарилган. Иситиш иншооти, иссиқхона, устахоналар ҳам икир-чикиридан тортиб шайлаб қўйилган. Муаллимлар ўқув режа бўйича дарс тақсимотигача улар меҳнат таътилига чиққунга қадар ҳал этилган.

Туман марказида жойлашган бу мактабда янги ўқув йилида 1100 дан зиёд ўғил-қиз таълим-тарбия олади. Уларга 8 нафар олий тоифали, 23 нафар 1- тоифали ва 22 нафар 2-тоифали ўқитувчилар таълим-тарбия берадилар. Бу йил эса мактабга 152 нафар бола илк бор қадам қўяди.

Педагогик жамоа аввало янги ўқув йилига тайёргарликни биринчи синфларга қабул қилинадиган ўғил-қизларнинг мактабга тайёргарлиги масаласини ҳал этишдан бошлади. Мактаб билан болалар боғчаси ўртасидаги шартномага мувофиқ 33 нафар ўқил-қиз 1-синфга қабул қилинади. Шунингдек 40 нафар кичкинтой бевосита ота-оналар ҳамкорлигида, 30 нафар ўғил-қиз эса ўқитувчилар ёрдамида мактабга тайёрланмоқда. Мактаб педагогика кенгашининг қарорига кўра ўз фарзандларини мактабга тайёрлаётган ота-оналар учун билим масканида педагогик-психологик масалалар бўйича маслаҳат ва ёрдам хоналари ташкил қилинди. Бу ишга бошланғич таълим бўйича энг тажрибакор муаллимлар жалб этилди.

Янги ўқув йилига ҳозирликнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бу таъмир масаласидир. Бу ишнинг енгил кўчишини таъминлаш замини ўтган ўқув йили давомидаёқ ҳал этилган, десак янглишмаймиз. Бунинг учун билим масканида ўқув хоналари, воситалари, ускуналаридан авайлаб фойдаланиш ҳар бир синф ўқувчилари одатига айлантирилди. Айрим фан кабинетлари, синф хоналари, кутубхона ва тиббий ёрдам кўрсатиш хоналари, мана уч йилдирки, таъмирлашга эҳтиёж йўқ. Кўплаб парта, стол, стул ва бошқа жиҳозлар ҳам яхши сақланмоқда. Шу боис ҳар йили бутун мактабда таъмирлаш ишлари қисқа муддатда кам харж билан адо этилаётир.

Мактабда ташкил этилган пулли хизмат кўрсатиш устахонасида ишлаб топилаётган маблағнинг бир қисми таъмирлаш ишларига сарфланаётир. Дарс ва қўлланмаларни, ўқув жиҳозларини авайлаб-асраш ҳам яхши йўлга қўйилган. Билим масканида «Муқовасозлар» тўгараги мавжуд бўлиб, бу йил тўгарак аъзолари ва ўқитувчилар ёрдамида 1000 дан зиёд дарслик, юзлаб ўқув жиҳозлари ва кўрсатмали қуроллар сифатли таъмирланди.

Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ёзги таътилда кўнгилли ҳамда мазмунли дам олишига ғамхўрлик ҳам янги ўқув йилига ҳозирликнинг таркибий қисми сифатида қаралаётир. Шу боисдан бу йил ҳам мактаб қошида 100 ўринли ўқувчилар дам олиш оромгоҳи ташкил этилди. Шунингдек ота-она билан келишилган ҳолда мактаб ўқувчиларининг бир қисми туман, вилоят ва республика миқёсидаги дам олиш масканларига юборилди.

Ўқитувчилар малакасини ошириш, уларни таълимнинг илғор усуллари ва воситалари билан таъминланишига эътиборни қаратиш масаласи юзасидан ҳам мактаб педагогик кенгаши тадбирлар ишлаб чиққан. Ҳозир ана шу тадбирларга таянган ҳолда август кенгашларига ҳозирлик кўрилаётир. Мактабда ўқув йили охиридаги умумий йиғилишда ўтган ўқув йилининг диагностик таҳлиллари муҳокама қилинди. Унда иқтидорли болалар синфи (тезкор синф) фаолияти, математика, немис тили фанларига ихтисослашган синфлардаги тажрибалар, таълим ва тарбиядаги ноанъанавий усуллар натижалари таҳлил этилди, бу соҳадаги вазифалар белгиланди. Шунингдек навбатдаги йиғилишда «Ўқитувчи-95» кўрик танловининг совриндори, меҳнат таълими ўқитувчиси Адҳамжон Каримов, бир қатор ижодкор ўқитувчилар тажрибалари, билимни аниқлашнинг тест усулига ўқувчиларни тайёрлаш юзасидан маърузаларни муҳокама этиш ҳам кўзда тутилаётир.

Мактаб муаллимлари ўқитувчиларнинг туман, вилоят миқёсидаги август кенгашларига ҳам аниқ таклифлар билан борадилар. Таянч таълимидан сўнг меҳнат таълими йўналишидаги ихтисос синфларини ташкил этиш, мактабнинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши каби таклифлар шулар жумласидандир.

Умуман, Тўрақўрғондаги 1-мактаб директори Ф. Эгамбердиев таъкидлаганидек, янги ўқув йилига тайёрлик таъмир ишларини ташкил этишдан тортиб қишки мавсумга пухта ҳозирликкача, синфларни комплектлашдан тортиб таълим мазмунини янгилашга ўқитувчиларни тайёрлашгача бўлган кўп қиррали ишларни ташкил этади. Буларнинг бирортасини эътибордан четда қолдириш таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир этади. Демак ҳар томонлама пухта тараддуд янги ўқув йилидаги муваффақиятларнинг бош калитидир.

**М. РАҲМОНОВ,**
**«Маърифат» махсус мухбири,**
**Наманган вилояти.**

? МАКТАБ БИНОСИ КЎРКАМ ВА ОРАСТАМИ

? ДАРСЛИКЛАР ВА ҚЎЛЛАНМАЛАР ЕТАРЛИМИ

? ЎҚУВЧИНИ ҚАНДАЙ ПЕДАГОГИК ЯНГИЛИК КУТМОҚДА



*Мактаб ўқув йилига тахт.*

## УРГУТЛИК МАОРИФЧИЛАР

Ургут тумани халқ таълими бўлими июлнинг бошидаёқ туман мактаблари тўлиқ таъмир этилиб, янги — 1995—1996 ўқув йилига ҳозирлаб қўйилгани тўғрисида Самарқанд вилоят ҳокимияти ва вилоят халқ таълими бошқармасига маълумотнома топширди.

Ҳозирги иқтисодий қийин шароитда ургутлик маорифчилар қисқа муддатда мактабларни таъмирлашга қандай эришишди? Ана шу савол билан жамоатчи мухбиримиз, туман халқ таълими бўлими мудири Исмат Набиевга мурожаат қилди.

— Халқимиз излаган имкон топади, деган нақлни бежиз айтмаган. Биз ҳам изладик. Эришган натижа эса — изланиш самараси. Туман халқ таълими бўлимида 125 та умумтаълим мактаби, бир лицей, 7 та мактабгача ва мактабдан ташқари муассаса, 3 та спорт мактаби, 3 та узлуксиз таълим маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили уларнинг биноларини таъмирлашда қатор қийинчиликларга дуч келгандик. Оталиқ ташкилотлари, хўжаликларда аҳвол ночор эди. Ўзлари қийналиб турган ота-оналардан эса таъмир учун пул сўраш инсофдан эмасди. Шуларга қарамай, ўзимиз амал-тақал қилиб мактаблар таъмирини эплагандик.

Ўша қийинчиликларни ҳисобга олиб, янги ўқув йилининг дастлабки кунлариданоқ таъмир муаммолари ечимини изладик. Мутахассислар, кексалар, тажрибакорлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг фикрларини олдик. Хулоса шу бўлдики, давлатдан ёрдам олмай, бошқалар кўмагига кўз тутмай ҳам бу муаммоларни ҳал этиш мумкин экан.

Ишлаб чиққан тадбиримиз асосида эрта баҳордаёқ бир қатор мактаблар ўз оталиқларидаги жамоа хўжаликларидан 36 гектар ер олиб, буғдой, арпа, картошка, пиёз каби қишлоқ хўжалик экинлари экиб, уларни намунали парвариш қилдилар. Сидқидилдан қилинган меҳнат яхши самара берди. Экинзорлардан мўл ҳосил етишди. Бошқача қилиб айтганда, ўзлари экиб-тиккан экинлардан мактаблар 1 миллион 800 минг сўм даромад олдилар. Бундан ташқари, туман халқ таълими педагогика жамияти қошида ташкил қилинган оҳак тайёрлаш цехи нафақат туманимиз мактаблари таъмири учун етадиган даражада, балки қўшни туманларга сотиш мумкин бўлган миқдорда оҳак ишлаб чиқарди. Иккита мактабда парвариш қилинган пилла қуртидан давлатга 250 килограмм «кумуш тола» етказиб берилди. Тўртта мактабимизда бичиш-тикиш, гилам тўқиш, нонвойчилик цехи, 5 та мактабда қуёнчилик, паррандачилик фермалари ташкил қилган эдик. Улардан ҳам каттагина даромад кўрилди. Ана шу тарзда ёрдамчи хўжаликлардан биз мактаблар таъмирига етиб ортадиган миқдорда даромад олдик. Шунинг учун ҳам мактабларимиз таъмирини вилоятдагина эмас, республикада ҳам биринчилардан бўлиб бажаришга муваффақ бўлдик.

Мактаблар таъмиридан ортиб қолган маблағимизга билим даргоҳлари учун замонавий техник воситалари, ўқув қуроллари, дарсликлар сотиб олинди. Янги ўқув йилида даромад келтирувчи манбалар сонини янада кўпайтиришни режалаштирганмиз. Режаларимизни рўёбга чиқаришда туманимиз ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати, халқ таълими аълочиси Ўлмас Маҳматмуродов, Ургут шаҳар ҳокими Мунаввар Ўринова яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Ишонч билан айта оламизки, туманимиз халқ таълими ходимлари, кўп сонли ўқитувчилари ватанимизга муносиб фуқаролар етиштириш учун бундан кейин ҳам бутун куч-қувватларини сафарбар этадилар. Жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган кунининг тўрт йиллигини, янги — 1995—1996 ўқув йилини таълим-тарбия муассасаларимизни билимли, фидойи ўқитувчи ва тарбиячилар, ўқув қуроллари билан таъминлаган, Президентимиз фармонлари ва кўрсатмаларини бажаришда ҳамма имкониятларни ишга солган ҳолда кутиб оладилар.

**Суҳбатдош**
**Нарзулло ФАЙЗИЕВ.**

## ЯХШИ ИШГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Андижонлик маорифчилар янги ўқув йилига тайёргарликни республикада биринчи бўлиб — июль ойининг бошидаёқ якунладилар. Таъмир жараёнининг диққатга сазовор томони шундаки, бу ишлар учун маҳаллий бюджетдан жуда кам миқдорда маблағ олинди. Оталиқ ташкилотлари ва ота-оналар ҳиммат кўрсатишди. Шунингдек, мактабларда тадбиркорлик билан ишлаб топилган пуллар ҳам таъмирлашга сарфланди. Муҳими эса, таълим бинолари, жиҳозлар авайлаб сақланди. Чакана юмушлар йил давомида пешма-пеш бажариб борилди. Ҳозир Андижонда янги ўқув йилини таъмирсиз кутиб олаётган муассасалар сони кўпайиб қолган.

Одатда яхши натижали ишлар рағбатлантирилади. Вилоятдаги ХТБ мудирлари, билим юртлари ва бошқарма тасарруфидаги муассасалар раҳбарлари ҳам бир ва икки ойлик маош миқдорида мукофот оладиган бўлдилар. Шунингдек, улар яқинда бошқарма ташаббуси билан гуруҳларга бўлиниб, Арслонбопга уч кунлик саёҳатга чиқишди. Бундан кўзланган мақсад, табиатда ҳордиқ чиқариш ва янги ўқув йилининг бошланиш арафасидаги вазифалар хусусида фикр алмашишдир.

**Аваз ҲАЙДАРОВ,**
**ўз мухбиримиз.**

## ТАРАДДУД ФАСЛИ

Таҳририят яқинда Тошкент шаҳар Акмал Икромов туман халқ таълими бўлимидан хушхабар олди: туман мактабларида Тошкент шаҳрида биринчилардан бўлиб таъмирлаш ишлари, асосан, ниҳоясига етказилибди. Шу муносабат билан туман халқ таълими бўлими мудири Абдулаҳад Йўлчиевич Йўлчиевга бир неча савол билан мурожаат этдик:

— Қурилиш материаллари тақчил шароитда мактаблар таъмири қандай қилиб тез ва соз якунланди?

— Туманимизда 24 та ўрта умумтаълим ҳамда 9 та таянч мактаби мавжуд. Таъмирлаш ишларини амалга оширишда биз, асосан, мактаб педагогик жамоалари кучига таяндик. Таълим ва тарбия масканлари юмшоқ ва қаттиқ жиҳозларни тўла таъмирлаш мақсадида мактаб ва боғчаларда ўқитувчи, тарбиячи, ўқувчи ҳамда ота-оналардан иборат 143 та таъмирлаш бригадаси туздилар. Мактаб кутубхоналари «Ёш кутубхоначилар» тўгараги аъзолари ёрдами билан 7 минг 342 та дарслик ва 1 минг 348 та бадиий китоб ва бошқа қўлланмаларга қайта ишлов берилди. Оқлаш, бўяш каби барча ишлар уларнинг ёрдами билан амалга ошди.

Капитал таъмирга муҳтож мактабларнинг томларини сақич ва тўл билан ёпишда ёрдамчи бригадаларнинг кўмагидан фойдаландик.

— Оталиқ ташкилотларнинг берган ёрдамлари ҳақида ҳам икки оғиз гапириб ўтсангиз.

— Иш бошлашдан аввал таълим-тарбия масканларини янги ўқув йилига тайёрлаш мақсадида оталиқ ташкилотлари билан тўзилган шартномалар қайта кўриб чиқилди. Натижада мактаб ва боғчаларни таъмирлаш ишларига оталиқ ташкилотлари 350 минг сўмлик маблағ ажратиб, 1. 300 килограмм бўёқ, 1. 600 килограмм оҳак, 2. 300 килограмм алебастр, 1. 500 кг цемент, 1. 200 кг қум ва 54. 000 сўмлик қурилиш материаллари билан яқиндан ёрдам бердилар. Улардан «Ташинтерн» (раҳбари С. Султонов), «РСМУ — Узавтострой» (раҳбари К. Мелькумян), Тошкент заргарлик заводи (раҳбари А. Самадов), 18-автохўжалик (раҳбари К. Ғуломов), «Лавр — Бузруг» фирмасининг кўрсатган ёрдамларини алоҳида мамнуният билан қайд этиб ўтишни истар эдим.

— Ўсмир ёшларни жисмоний етук ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш «Соғлом авлод учун» дастури доирасидаги вазифадир. Бу борадаги муҳим воситалар, яъни спорт майдончалари ва спорт залларини янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари қай даражада?

— Спорт заллари, спорт майдончалари, у ердаги мавжуд жиҳозлар ўқитувчи ва ўқувчилар кучи билан таъмирланди. Айрим мактабларимизда жисмоний тарбия машғулотлари учун спорт жиҳозларининг етишмаслиги сир эмас. Бу камчиликни тўлғазишда ҳам оталиқ ташкилотлари ёрдами катта бўлаяпти. Жумладан, «Тоҳир-Зуҳра» хусусий фирмаси (директори Ҳ. Раҳмонов) бизга кўплаб спорт анжомларини етказиб берди.

Биз мактаблар таъмирининг сифати билан қизиқиб, тумандаги 297-, 123- ҳамда 197-мактабларда бўлдик. Бу илм масканларида синф хоналари, фан кабинетлари янги ўқув йилига шай қилиб қўйилган. 297-мактаб қошида кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ўз бағрига олган «Уриксзор» оромгоҳи фаолият кўрсатаётир. Оромгоҳда 100 нафар бошланғич синф ўқувчилари кўнгилли ҳордиқ чиқармоқда. Бу ерда расм-чизмачилик, шахмат-шашка, тикиш-бичиш, мусиқа тўгараклари ишлаб турибди.

197-мактабда илгаритдан жисмоний тарбия дарсларига алоҳида эътибор бериб келинади. Шу боисдан ҳам бу мактабдан машҳур спортчилар етишиб чиққан.

Янги таъмирдан чиқарилган мактаб спорт зали, айниқса, киши кўзини қувонтиради. Бунда, шубҳасиз, жисмоний тарбия ўқитувчилари Раҳимжон Қосимов, Олег Клестов, Эдуард Зелепухинларнинг хизмати беқиёсдир.

123-мактабнинг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Латофат опа Ғойибназарова бизни ҳали бўёқ ҳиди кетмаган синф хоналари, фан кабинетлари билан таништирди. Бу мактаб Акмал Икромов туманида биринчи бўлиб таъмирлаш ишларини тўла туғаллаган.

Биз Акмал Икромов тумани мактабларида бўлганимизда таъмирлаш ишлари хўжакўрсинга эмас, астойдил амалга оширилганининг гувоҳи бўлдик. Чунки мазкур туман муаллимлари мактабни ўзларининг иккинчи уйи, ўқувчиларни эса ўз фарзандлари деб биладилар. Шу туйғу билан тумандаги барча ўқитувчилар мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Умуман, мактабларни сифатли таъмирлашдаги ютуқлар кўпчиликнинг, тумандаги барча педагогик жамоаларининг якдиллиги ифодасидир.

**Жўрақул ИСКАНДАРОВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

## ТЕЖАМКОРЛИК БАРАКА КЕЛТИРАДИ

Суҳбатдошим Бахтиёр Қўчқоров Булоқбоши туманида таваллуд топган. 1978 — 83 йиллари Украина чет тиллари педагогика институтининг филология факультетида таҳсил олган. 1982 йилдан то ушбу кунга қадар Завқий номидаги 13-ўрта мактабда ўғил-қизларга рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келади. Оилали, бир ўғил ва бир қизи бор. Энг севимли машғулоти мумтоз адабиётимизга оид бадиий асарларни мутолаа қилиш. Бахтиёр ака билан суҳбатимиз асосан зиё масканларининг таъмири хусусида бўлди.

*— Бахтиёр ака, сиз мактаб жиҳозларини авайлаб асраш, улардан тежаб-тергаб фойдаланиш тарафдори экансиз. Тажрибаларингиз билан ўртоқлашсангиз?*

— Биласизми ука, бизда алмисоқдан қолган бир одат бор. Мактабларда дарслар тугаши биланоқ маорифчилар «пайтавасига қурт тушган деҳқонга ўхшаб» у ёқдан-бу ёққа югуриб қолишади: ўқув биноларини таъмирдан чиқариш асосий вазифага айланади. Бу маъсулиятли ишга олийҳиммат оталиқ ташкилотлари ўз вақтида катта миқдорда маблағ ажратади. Бироқ, барибир, ўқув бинолари — мавжуд синф хоналари жорий таъмирдан тўла чиқарилмасдан, ишлар ўлда-жўлда қолиб кетаверади. Бу ҳолга кескин барҳам бериш учун нима қилиш керак, деган савол менга кўп вақтдан буён тинчлик бермасди. Ўйлай-ўйлай, охири, қатъий бир қарорга келдим. Яхшиси, тажрибаларимдан сўзлаб берсам.

Мактаб синф хонасида ўқув қуроллари, техника воситалари ва жиҳозларнинг рўйхати тузилиб, ўқитувчи ва фаррошлардан иборат жавобгар шахслар белгиланади. Улар мактаб жиҳозларини авайлаб асраш, эҳтиёт қилиш устидан назорат олиб боришади. Ўқув қуроллари, стол-стул, парта ва бошқа ускуна ҳамда жиҳозлар белгиланган муддатдан кўра узоқ йилларга мўлжаллаб тутилаяпти. Дарвоқе, мавжуд ўқув бинолари уч-тўрт йил ичида бир маротаба яхшилаб таъмирдан чиқарилади, холос. Натижада катта миқдордаги давлат маблағи тежаб қолинади...

*— Айни дамда қандай ишларни амалга оширмоқдасизлар?*

— Янги турдаги ўқув муассасаларнинг ривожлантирилишига замин яратиш, ўқув-моддий базани мустаҳкамлаш, фан хоналарини таълимнинг техника восталари билан бойитиш, айниқса, ЭҲМ ёрдамида ўқитишни кучайтириш — таълим мазмунини янгилашдаги муҳим ишларимиздан бўлаяпти.

*— Толиби илмлар бўш вақтларида қандай ишлар билан шуғулланишаяпти?*

— Мактабимизнинг ёрдамчи хўжалиги, ер участкаси мавжуд. Билим масканимиз жамғарма банкида ўз ҳисоб рақамига ҳам эга. Болалар ёзги таътил кезларида деҳқончиликни, чорвага қарашни, пилла етиштиришни, техника бошқаришни ўрганса, умуман меҳнат қилишга қизиқса, бунинг нимаси ёмон. Демак, тадбиркорлик ва ташаббускорлик асосида иш юритилиб, ўғил-қизларга пухта сабоқ берилса, мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги, эртаси учун жон куйдирадиганлар вояга етади, деб ўйлайман.

**У. ЖУМАЕВ.**

*Август кенгашлари олдидан*

## ЖАМОАНГИЗДА МУАЛЛИМАЛАР КЎПМИ?

Ҳар кимнинг ўз қизиқиши бор. Мен бирон туман ё вилоятга бориб қолсам, касбдошларимдан: «Сизларда ўқувчи-қизлар фаолми ёки ўғил болалар», «Жамоангизда аёл муаллималар кўпми ё эркак ўқитувчилар?» — дея қизиқиб сўрайман. Улар берган жавоб билан ўзимиздаги ҳақиқий аҳволни таққослаб кўраман.

Бундай деяётганимнинг боиси, республикамизнинг турли шаҳарларидаги ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўғил-қиз талабалар ўқитилиб, ўқитувчилар тайёрланишидан ташқари, тарбиячи муаллималар етиштирадиган махсус хотин-қизлар билим юртлари фаолият кўрсатиб, «кетмакет» педагог кадрлар чиқараяпти. Бу ҳам яхши, дейлик. Аммо мактабларда ишлаётган муаллималарнинг ҳаммалари ҳам давлат ўқув дастури талаблари даражасида ўз ўқувчиларига қониқарли дарс, сабоқ, таълим-тарбия бера олаяптими?

Муаллималарнинг турмушга чиқиши, фарзанд кўриши табиий бир ҳол. Улар оиласида бирин-кетин дунёга келаётган жажжи ўғил-қизчалар ҳамма вақт бирдай соғу саломат вояга етишига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Иссиқ жон иситмасиз бўлмас. Шундай пайтда ёки ҳомиладорлик таътилига чиққан муаллималарнинг синфи, дарси, ўқувчилари бир неча йиллар давомида қўлдан-қўлга, бир ўқитувчидан бошқасига ўтади-да, «Бировнинг ишига бошқанинг қўли саратонда ҳам қотади» қабилида юзаки иш юритилади. Мен ишлаётган мактабдаги 133 нафар педегог тарбиячининг бор-йўғи 39 нафари эркак ўқитувчилар бўлиб, қолгани фақат хотин-қиз муаллималардир. Туманимиздаги аксарият таълим-тарбия масканларида мавжуд бўлган педагогик жамоаларнинг 85—90 фоизини муаллималар ташкил этаяпти. Натижада синфлардаги ўқувчи-қизларнинг фаоллиги ўғил болаларга қараганда тобора ошиб бораяпти. Бугунги аълочи, фаол ўқувчи қизлар эртага ҳозирги авлод муаллималари ўрнини тўлдиришига шак-шубҳа йўқ.

Бунинг нимаси ёмон? — дея эътироз билдирувчилар ҳам топилади, албатта. Тажрибали устоз-ўқитувчиларнинг ҳаётий, педагогик кузатиш — тажрибаларидан шу ҳақиқат аён. Муаллималаримиз, аввало она бўлгани учун ўқувчи фарзандлари олдида ўта юмшоқкўнгил бўладилар, талабчанлик қилишга эса журъатлари етмайди. Улар фаолияти Саъдий Шерозийнинг «Ўқитувчи беозор бўлса, синф бозор бўлади» деган педогогик ҳикматини эслатади. Демакки, тартиб-интизом сусайган жойда таълим-тарбия, билим илдизга дарз кетади.

Умумтаълим мактаблари олдидаги асосий вазифа — билимли, юксак хулқли, интизомли, керак пайтда ўз она-Ватани, мустақил республикасини ички-ташқи ғаним-душманлардан мардона туриб ҳимоя қила оладиган ёш фуқароларни тарбиялаб етказиб беришдан иборат.

Агар талабчан, қатъиятли, қаттиққўл, керакли пайтда рағбатлантириб, ўрни келганда адолатли жазолашни биладиган ҳақиқий эркак ўқитувчилар сафи қанча тез кенгайса, эртанги куни порлоқ бўлган мустақил юртимиз чегаралари дахлсизлигини, мудофаасини таъминловчи Ватан посбонлари эстафетаси ишончли қўлларга ўтаверади. Менимча, муаллималар хизматини эъзозлаган ҳолда, улар шахсиятига тегмасдан, иқтисодий қийинчиликлар олдида довдираб, иккиланиб, ўзи танлаган касбни тарк этишга мажбур бўлаётган ёш, ўрта ёш ( катта ёшдаги устозлар бундан истисно — улар қадрдон касбини ҳар қандай танг ҳолга тушганда ҳам ташламай нафақага чиқишини кутади) даги эркак ўқитувчиларни иложи борича мактабда сақлаб қолиш керак. То ўтган ўқув йилигача рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиларига 15 фоиз қўшимча ҳақ берилиб, моддий-маънавий томондан рағбатлантирилгани каби улар ҳам бирон манфаатли чора-тадбир билан қўллаб-қувватланилса, тўғри иш қилинган бўлур эди.

Яқинда Халқ таълими вазирлиги ҳайъати мажлисида педогогик кадрлар қўнимсизлиги масаласи кўриб чиқилди. Ҳайъат мажлиси қарори бу ҳақдаги фикр-мулоҳазалар, таклифлар ўқитувчиларнинг август кенгашларида муҳокама этилиб, аниқ режа ва йўналишлар белгиланади, деган умиддамииз.

**Насриддин ЭШҚУВВАТОВ,**
**Паст Дарғом туманидаги 4-ўрта мактабнинг олий тоифали методист-ўқитувчиси.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

ўқув-илмий маркази билан ҳамкорликда, махсус тажриба синфлари ташкил этган. Бу синфларда ёшларга давлат ва инглиз тиллари чуқур ўргатилади, улар кенг йўналишли ёш менеджерларни тайёрловчи махсус дастурлар асосида ўқитилади. Охирги икки йил давомида бу ишлар янада жонлантирилганлигининг гувоҳи бўлдик. Ўқувчилар умумтаълим фанлари билан бир қаторда брокер, менеджер, ҳисобчи мутахассисликлари бўйича таълим олишмоқда. Мазкур синфларнинг ўқув режаларига бозор муносабатлари иқтисодиёти, менеджмент, маркетинг, ҳуқуқ, ишбилармонлар учун компьютер ўйинлари, инглиз тили, ҳисоб-китоб каби янги фанлар киритилган. Махсус фанларни ўқитиш учун Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг иқтисод факультети профессор ўқитувчилари жалб қилинган.

Битирувчилар ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат билан биргаликда юқорида қайд қилинган мутахассисликлар бўйича Тошкент ёш менеджерлар мактабини тугатганликлари ҳақида гувоҳнома оладилар. Бу эса ўз ўрнида битирувчиларни мустақил меҳнатга ёки ишбилармонликка тайёр бўлишларида, олий таълим олишларида ўзининг таъсирини кўрсатади.

Собир Раҳимов туманидаги 249-мактабда ҳам шунга ўхшаш ишлар яхши йўлга қўйилган. Мактаб ЎзРХТВ қошидаги «Илм» ўқув-ишлаб чиқариш концерни ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан таъсис этилган бизнес- мактаб билан ҳамкорлик қилмоқда. Мактабда 32 нафар ўқувчи махсус синфларда таълим олаётир. Уларнинг ўқув режасига 11 та махсус фан (жами 432 соат) киритилган. Машғулотлар мавзуси шундай тузилганки, уларда бошлангич инвестиция ишларидан бошлаб то фойда олишгача бўлган давр — ишбилармонлик — бизнес ҳақида тўла тушунча берилади. Ўғил-қизлар, ташкилотчилик, корхона, ишлаб чиқаришни бошқариш, маҳсулотни сотиш, маркетинг ва тижорат, моддий таъминот ва қимматбаҳо қоғозлар, ишлаб чиқаришни режалаштириш, солиқ тизими, банк ишлари, биржа фаолияти ҳақидаги билимларга эга бўлишмоқда. Ўқитиш мутахассислик имтиҳонлари билан тугайди ва уларга менеджер-ишбилармон, маркетолог ёки референт ихтисослигини олганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади. Бинобарин, юқорида ўрганилган мажмуаларнинг биринчисини «мактаб — олий ўқув юрти», иккинчисини «мактаб — илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси», деб аташ мумкин.

Ҳозирги кунда тизимида Тошкент шаҳар машинасозлик лицейи (25-ҲБЮ) ва бир қатор мактаблар (# 242, 260, 265, 257, 234, 273) бўлган мажмуанинг беш йиллик иш тажрибаси ҳам диққатга сазовордир.

Мазкур мажмуа мустаҳкам ҳамкорлик асосида ташкил этилган бўлиб, мактабда ўқувчилар умумий таълимга, ҲБЮда эса касбий малакага эга бўладилар. Шу асосда 1990 йил сентябрдан ушбу мактаблар ва ҲБЮ заминида педагогик тажриба майдони иш бошлаган эди.

*— Тажрибадан кўзланган мақсад ва, албатта, унинг ўзига хос вазифалари бўлади. Шу хусусдаги таҳлил ва хулосаларингизни ҳам айтсангиз?*

— Тажрибадан мақсад мактаб ва ҳунар билим юртлари ҳамкорлигида ўқувчиларни ўқитишнинг янги шакл ва услубларини излаб топиш, бозор иқтисодиёти

*Истиқлол одимлари*

# УМИДБАХШ КУРТАКЛАР

шароитида ҳамкорлик моделини яратишдир. Ҳунар билим юртлари ўқувчилари умумтаълим ва касб тайёргарлигини 2 йилда эгаллашнинг самарали йўлини топиш, ўқитишда ва касбга тайёрлашда умумтаълим ва махсус таълим фанлари мазмунини бирбирига таққослаган ҳолда нисбатини аниқлаш тажрибанинг биринчи галдаги вазифалари ҳисобланади.

Мазкур вазифаларни ҳал этиш мақсадида 1990/1991 ўқув йили бошидан ушбу мактабларнинг ўрта умумий таълим билан бирга муайян касбни эгаллашни хоҳлаган 9-синф битирувчилари учун техник синфлар ташкил қилинди. Бундай синф ўқувчилари ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари ҳисобига кириб, улар Низомда белгиланган барча имтиёз ва ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланадилар.

Ҳозирги кунда мазкур таълим мажмуасига 312 нафар ўқувчи жалб қилинган. Дастлабки ҳисобларнинг кўрсатишича, ҲБЮ фақат умумтаълим мактаблари имкониятисиз моддий-техника базасига таянган ҳолда ўқувчилар сонини 2 — 2,5 баробар кўпайтириш имкониятига эга бўлмасди. Демак, моддий-техник базани кенгайтириш ва бойитишга қўшимча маблағ сарфламаган ҳолда таянч мактаб битирувчилари ҳисобидан ҲБЮ ўқувчилари сони 2-3 марта ортиб боришини таълим мажмуаси ўз иш тажрибасида исботлаб берди. Бунда таълим сифати пасайиб кетмай, балки сезиларли даражада яхшиланиб, таълим мажмуаси битирувчилари умумтаълим ва касб тайёргарлигини пухта ўзлаштирганликларини кўрсатмоқдалар. 1993 йилда ҲБЮнинг аттестация натижаларига кўра махсус фанлар бўйича 284 ўқувчининг билимлари текширилганда уларнинг баллари ўртача 4,4 умумтаълим фанлари бўйича эса 3,7ни ташкил қилди. 1994 йилда бу кўрсаткичлар янада кўтарилиб, таълим мажмуаси битирувчиларининг 37 фоизи тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, ўрта махсус ва олий ўқув юртларига қабул қилиндилар.

Иккинчидан, таълим мажмуасида тарбия ишларида юқори натижаларга эришиш имконияти яратилади. Бундай синф ўқувчилари қисқа муддат ичида мустақил фикрли бўладилар, улар дунёқараши кенгаяди.

Учинчидан, таянч мактаб битирувчилари ва уларнинг ота-оналари орасида ҳунар билим юртларига нисбатан мавжуд бўлган руҳий тўсиққа, хавотир ва ишончсизликка барҳам берилди. Масалан, 265-мактабда 1994 йили 9-синфни битирган 90 ўқувчидан 65 нафари ўз хоҳишлари ва ота-оналари истаги билан мажмуа синфларига қабул қилинган. Мактабнинг 10-синфида ўқишни давом эттиришга фақаттина 15 ўқувчи розилик берган. Турар жойларига яқин бўлган худди шундай касбга йўналтирувчи ва ўрта маълумот берувчи бошқа ҲБЮ га боришга ўқувчиларда хоҳиш йўқ. 1994 йил 43-, 46- ҲБЮга фақат 4 ўқувчи бориб ўқиш истагини билдирган. Кўриниб турибдики, орадаги фарқ жуда катта. Ўрганилган мактабларда ота-оналарнинг ўзлари болаларини мажмуа синфларига кириб ўқишларини илтимос қилишмоқда ва уларнинг касб тайёргарлигида фаол қатнашмоқда.

Умуман олганда, бу масалаларга биз келажагимизни ўйлаб, кенг маънода ёндашишимиз керак бўлади. Республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича идораларaро кенгашнинг яқинда бўлиб ўтган мажлисидан ниҳоятда муҳим масалалар қаторида ёшларимизга чинакам тадбиркорлик «вирус»ларини юқтириш алоҳида таъкидланди. Бизнинг олдимизда турган асосий вазифалардан бири, ҳамма турдаги таълим муассасаларда, шу жумладан мажмуаларда ўқийдиган йигит-қизларимизни бозор қонунларига кўра яшашга, бизнес сир-асрорларини эгаллашга ўргатишдир.

*— Ўқувчиларнинг ўқишни давом эттириш учун мазкур мажмуани танлаётганлари бежиз эмас экан-да?*

— Ҳа, албатта. Бунга сабабчи бўлган омиллар кўп. Масалан, олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун керакли даражадаги умумтаълим тайёргарлиги берилиши билан бир қаторда бу ерда улар кенг йўналишли мутахассис касбига эга бўлишади. Мазкур шаклда ўқитиш мажмуа битирувчиларини келажакда ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишларини ва қонунда кўзда тутилган таълимни олишларини таъминлайди. Ўқитишнинг бошқа шаклларига нисбатан ўқувчиларнинг ўрта маълумот ва касб тайёргарлигини олишлари 3 йилда эмас, балки 2 йилда амалга оширилади. Мажмуада ўқиш ўқувчи ва унинг оиласи моддий шароитига ижобий таъсир кўрсатади...

«Мактаб ва ҲБЮ» мажмуасида муваффақиятли ҳал этилган масалалардан яна бири мажмуа синфларига таянч мактабни юқори билим даражаси билан якунланган ўқувчилар таълим олиш учун бораётганлигидир. 1994/95 ўқув йилида 242-, 265-мактаблардаги синфларга 35 фоиз шундай ўқувчилар қабул қилинди.

Юқоридагилар асосида, бугунги кунда «Мактаб — ҲБЮ» истиқболли таълим мажмуаси модели барпо этилганлигини, республика миқёсида шунга ўхшаш турли касб йўналишидаги мажмуаларни ривожлантириш мумкинлигини эътироф этиш лозим.

*— Таълим мажмуасининг шакл ва йўналишларини бойитиш устида ҳам изланишлар олиб бориляптими?*

—Тошкент шаҳридаги қатор катталар таълим марказлари (КТМ) ҳам таълим жараёнини янги шакл ва йўналишларини излашда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Халқ таълими вазирлигининг 1993 йил 22 июндаги буйруғига биноан 45-КТМ (катталар таълим маркази) тажриба майдони сифатида тасдиқланган. Тажрибанинг асосий мақсади сифатида «болалар боғчаси (169) — таянч мактаб (1-9-синф) — 45-лицей» мажмуасини ташкил қилиш кўрсатилган. Ҳозирги вақтда Собир Раҳимов туманида «45-лицей — 139-мактаб» мажмуаси ишлаб турибди. У асосан 1119 нафар ўқувчини бирлаштирган 56 та синфдан иборат. Шулардан 31 таси 139-мактаб ва КТМ даги 10-12 лицей (639 ўқувчи) синфларидир. Булардан ташқари 11-12-синфлардан иборат бўлган 9 та кечки ва сиртқи ўқиш ҳамда 13-14-синфлардан иборат 5 та пуллик хўжалик ҳисобидаги синфлар мавжуд. 139-мактабдаги 210 ўқувчидан иборат бўлган 1-9-синфлар тузилмани тўлдиради. Қайд қилинган тузилма таянч мактаб битирувчилари учун қулай шароитни вужудга келтиради. Чунончи, ҳар бир ўқувчи ўзининг хоҳиши, билим даражаси ва оиладаги моддий аҳволга қараб юқорида кўрсатилган беш хил шакл ва кўринишда таълим олиш имконига эга бўлишади.

Айни пайтда мажмуанинг 25 та педагогик лицей синфларида ўқувчилар педагогик билим асосларини ўрганиб, тикиш бўйича халқ амалий санъати тўгараги раҳбари, халқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги устаси, менеджер-иқтисодчи ва бошқа йўналишлар бўйича махсус касб тайёргарлигини олмоқдалар. Ҳамда уларга тегишли гувоҳнома берилмоқда.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишда миллий педагогиканинг устивор қоидалари ва шаклларидан бири «Устоз-шогирд» муносабатлари самарали қўлланиляпти. Масалан, таълим мажмуаси ўқувчилари ёғоч ўймакорлиги фанидан амалий машғулотларни «Усто» ишлаб-чиқариш бирлашмасининг етакчи устасига «шогирд» сифатида бириктирилади. Наққошлик соҳасида ҳам худди шундай иш шакллари қўлланилмоқда. Таълим мажмуасидаги ўқув-тарбия жараёнининг бундай ташкил қилиниши бугунги кунда ўз самарасини намоён қилаётир. Мактаб ўқувчилари сони 1,5 баравар кўпайиб, атрофида истиқомат қилувчи ўғил-қизлар ва ота-оналар учун бу ерда ўқиш шарафли бўлиб қоляпти. Умуман, бу тоифадаги таълим муассасалар тармоғининг кенгайиши ганчкорлик, наққошлик, ёғоч, тош ва суяк ўймакорлиги, кандакорлик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, кигизчилик каби миллий халқ амалий санъати турларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаяпти.

*— Қилинаётган ишлар таҳлили, шубҳасиз, муайян. Хулосалар чиқаришга асос бўлади. Энди умумий Низом ҳам ишлаб чиқиладими?*

— Юқорида кўрсатилган янги таълим мажмуаларнинининг сони, уларнинг бошқа турлари тармоғи республикамизда кўпайиб, бу жараёнда уларнинг таркиби, тизими ва фаолият мазмуни тобора такомиллашиб бормоқда. Аммо таҳлил ва хулосалар улар ишини ташкил қилишда қатор ечилмаган муаммолар ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Масалан, таълим муассасалари мажмуаларининг ҳукумат даражасида тасдиқланган умумий Низоми йўқ. Бу эса мажмуаларни ташкил қилишга ва унинг ривожланишига тўсқинлик қиляпти.

Шу боис таълим мажмуалари фаолиятини ташкил қилиш борасида иш тажрибасига эга бўлган мутахассислардан «Таълим мажмуалари тўғрисидаги умумий Низом» устида ишлаш учун муваққат ижодий гуруҳ тузилди. Мазкур гуруҳга қисқа фурсатларда вазирлик тасарруфидаги халқ таълими бошқарув органлари томонидан юборилган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш, улар асосида Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

*— Мажмуа ўқувчиларига, мустақил ҳаётга йўлланма олаётган ёшларга тилак ва истакларингиз?*

— Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида «Таълим илм бериш ва тарбияни ўз ичига олади, у республиканинг ақл-заковат ва илм борасидаги куч-қувватини ривожлантириш, жамият оила ва давлат олдидаги ўз масъулиятини англайдиган ҳар жиҳатдан баркамол эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлайди», дейилган. Бу мақсадлар амалга ошишида илмли, фидокор инсонлар фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ўқил-қизларга илмга ҳамиша ошно бўлинг, уни қадрланг, касбингизни эъзозланг! — дейман. Зеро, илмлилар, маънан етук инсонлар, иқтидорлилар юрт келажаги, эл камоли. Илм эса тараққиёт негизидир.

**Курбонбой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди.**

*Тикланаётган анъаналар*

# БАЛДОҚ ТАҚАДИ ҚИЗГИНА...

**Боғчада «кулоқ тешди» маросими**



Сирғали туманидаги «Ниҳол» болалар боғчаси дарвозасидан кириб борар эканмиз, қувноқ бир байрамнинг устидан чиқиб қолганимизни ҳис килдик. Жажжи кичкинтойлар давра олиб, бири шеър ўқиб, бири куйлаб, бири рақсга тушар, хуллас, ўйин-кулги авжида эди. Меҳрибон мураббийлар ҳам улар билан бирга ўйнабкулишар, чеҳраларидан нур ёғиларди.

Ҳақиқатан ҳам бугун боғчада бошқа байрамларга ўхшамаган бир байрам — «Балдоқ тақади қизгина» деган миллий тантана бўлаётган эди.

Даврага жажжилар масканининг доно бувиси Турсуной ая кириб келди. Кичкинтойлар аяни дарров ўраб олишиб, ҳурматини жойига қўйишди, айрон билан меҳмон қилишди. Доно Турсуной ая ҳам ўз навбатида болаларга қизиқарли саволлар бериб, уларнинг зукколигини синовдан ўтказди, уларнинг рақс ва қўшиқларидан завқланиб ўтирди.

Ўйин-кулги ниҳоясига етгач, қизалоқлар Турсуной аяни ўраб олишиб, навбатма-навбат қулоқларини тештиришар, зирак тақишиб, рақсга тушиб кетишар эди. Бундан кўриниб турардики, бувининг қўли ниҳоятда енгил эди.

Бу манзарани завқ-шавқ билан кузатиб ўтириб, боғча мудираси Матлуба Умарова келиб қолганини ҳам сезмабман. Салом аликдан сўнг, бу тантананинг ўтказилиш сабаблари билан қизиқдим.

— Боғчамиз ташкил этилганига тўрт йил бўлди. Кисқаси «Ниҳол»имизни Ўзбекистон мустақиллигининг бир меваси десак ҳам бўлади.

Асосий гапга кўчадиган бўлсак, болада ҳар бир нарсага меҳр уйғотиш, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш бизнинг энг олий бурчимиздир. Агар тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, бир қатор байрам, расм-русм, урф-одату анъаналаримизнинг эътибордан четда қолаётганига гувоҳ бўламиз. Наврўз сайли, гул сайли, лола сайли, қовун сайли каби маросимларимиз билан бир қаторда «Балдоқ тақади қизгина» анъанаси ҳам яқин ўтмишда ҳам бўлганлиги кўпчиликка маълум. Биз ушбу маросимни боғчада ўтказаётганимиздан мақсад, биринчидан, унутилаётган расм-русмларимизни тиклаш бўлск, иккинчидан, уларни болалар онгига сингдириб боришдир. Биз турли байрамларни, тадбирларни ўтказишда ҳар томонлама ёрдам бераётган Тошкент шаҳар мактабгача тарбия бўлими бошлиғи Феруза Воҳидова, Сирғали тумани халқ маорифи бўлими касаба уюшмалари раиси Т.Тухтаевалардан чексиз миннатдормиз.





Ундан ташқари, кези келганда тарбиячиларимиз ҳақида ҳам икки оғиз илиқ фикр айтиб ўтишни истардим. Чунки, қандай байрам ёки қандай тадбир бўлмасин, ҳаммасига улар бош-қош. Рақс дейсизми, шеър ёки ифодали ўқишми, ашула айтишми, ҳамма-ҳаммасини қиёмига етказиб болаларга ўргатувчи шулар. Ўйлайманки, бундай тадбирлар болалар хотирасида чуқур из қолдиради.

Мудира билан суҳбатимиз ниҳоясида, энг биринчи кўзим тушган нарса қизалоқлар чеҳрасидаги чексиз шодлик ва мамнунлик бўлди. Ўша пайтда боғча маъмурияти тантанада қатнашган барча қизалоқларга олтин суви югуртирилган балдоқ ҳадя қилаётган эди. Ушбу ўтказилган тадбирдан ота-оналар ҳам хурсанд эканлигини кўриб, мен ҳам қувониб кетдим.

**Файз МАҲМУД, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.**

## ҲАМКОРЛИК НАТИЖАСИ

Навоий туманидаги Ҳамза номли 11-ўрта мактабни янги ўқув йилига тайёрлашга ишбилармонлик билан ёндашилди. Мактаб директори Бахтиёр Барноев, ўқитувчилардан Нажия Ниязова, Ноила Хайрова, Лиля Аджигельдиева, Ш. Аджигельдиева, Гадойниёз Юсупов, Шуҳрат Менглиевларнинг ташаббуси билан қисқа вақт ичида 28 та синф хонаси, 12 та фан кабинети ички ва бошқа хоналар ҳам таъмирланди. Ўқув жиҳозлари, кўргазмали қуроллар, техника воситаларини тиклаш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

**А. БЕГМАТОВ, Навоий вилояти.**

*Тиллодан бой тилимиз*

# СЎЗ ҚАДРИ

Тилимиз бой ва имкониятлари чексиздир. Шу боисдан ҳам бир сўзнинг ўзини бир неча матн ичида турли маъноларда қўллаймиз, ният ва мақсадимизни ифодалашда хилма-хил вазифалар юклаймиз. Сўз ва ибораларни қўллашда, унинг турли маъно қатламларини кашф этганимизда ўзбек тилининг нақадар бойлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қиламиз, фахрланамиз.

Биргина КЎЗ сўзининг қатор маънолари борки улар ибора шаклида қўлланганда бу маънолари янада ортади. Ана шундай ибора шаклида қўллангандаги юздан ортиқ маъно товланишларини кузатиш мумкин.

Масалан: кўз бўямоқ, кўзга кўринмоқ, кўздан кечирмоқ, кўзда тутмоқ, кўз ёрмоқ, кўзи мошдек очилди, кўзи илинди, кўзи кўр, қулоғи кар, кўзини ёғ босди, кўз очмоқ, кўз юммоқ, кўз тегди, кўз тўрт бўлди, кўз қийиб, кўз солмоқ, кўз тикмоқ, кўз тутмоқ, кўз кетди қаби қатор «КЎЗ» сўзи билан алоқадор иборалар борки, бундай сўз бирикмалари ва ибораларни қўллаганда, ҳамиша ҳам маъносига эътибор беравермаймиз. Улар халқ онгига шу қадар сингиб кетганки, бу сўз, сўз бирикмаси ва ибораларнинг ният-мақсадни тингловчига аниқроқ, тушунарлироқ етказиш учун нутқнинг турли ўринларида турлича қўллаймиз. Шулардан баъзиларини изоҳлаб ўтайлик: «кўз юммоқ» ибораси икки маънода қўлланади. Биринчи иаъноси — кўра-била туриб эътиборсиз қолдирмоқ бўлса, иккинчиси ибора шаклидаги маъноси қазо қилмоқ, ўлмоқ, дунёдан ўтмоқ маъносидир.

Халқ ичида энг кўп қўлланадиган иборалардан яна бири «кўзини ёғ босди» ибораcидир. Кўзни одатда ёғ босиб қолмайди.

Бу иборада такаббурланди, таниб, танимаганга олди маъноси тушунилади. Ёки «кўздан қочирмаслик» деганда доимо мўлжалдаги нарса, киши ва ҳаракатни кузатиб туриш маъноси англашилади. «Кўзнинг оқу қораси» иборасида яккаю ягона, қадр-қиймати беқиёс юксак деган маъно тушунилса, «кўзга ташланмоқда» рўй-рост, аниқ кўринмоқ деган маъно ифода этилади. Ёки «кўзига совуқ кўринмоқ» ибораси ёқмаслик, жирканиш ҳиссини уйғотмоқ маъносида қўлланса, «кўзи етди» ибораси ишонмоқ, ишонч ҳосил қилмоқ деган маънони англашга хизмат қилади. «Кўзи етди» иборасига ақли етди бирикмаси синоним ҳолда қўлланиши мумкин.

«Кўз ёрмоқ» — туғмоқ, фарзанд кўрмоқ маъносида қўлланса, «кўз кетибди» — ухлай бошлабди, яъни кўз илинди, пинакка кетди маъноларини англатади. «Кўз-кўзга тушди» деймиз. Лекин ҳеч қачон кўз кўзнинг ичига тушиб кетмайди. Бу ерда кўз қарашлари бир дақиқа дуч келди деган маъно англашилади. «Кўзи кўр, қулоғи кар» — ҳеч нарсадан бехабар, «кўз бўямоқ» — алдамоқ, лақиллатмоқ, «кўзни чирт юмиб» — таваккал қилиб, «кўзи тўрт бўлди» — интизор бўлди, «кўзи учиб турибдими?» — кўриш иштиёқидами? Кўргиси келгани йўқ, «кўзи ўтмайди» — нури кетиб, кўз қуввати кам бўлиб қолгани, «кўзи қиймаслик» — бергиси келмаслик, раҳмдиллиги туфайли ташлаб кетолмаслик ёки кўнгил тортар нарсасидан воз кеча олмаслик, «кўз очиб юмгунча» — жуда қисқа муддатда, тезда (синоними — ҳаш-паш дегунча), «кўз очирмаслик» — бирор нарсани юзига солиб ёки қаттиқ талаб қилиб тинчлик бермаслик, қаттиқ сиқувга олиш, «кўз тагига олмоқ» — бирор мақсад билан кўзлаб қўймоқ, «кўз тикмоқ» — тикилиб қарамоқ, умидвор бўлиб қарамоқ, ҳирс билан қарамоқ, «кўз уриштирмоқ» — бир-бирига маъноли қараб олмоқ маъносини билдиради.

Бу оддий кузатув. Уни янада чуқурлаштирадиган бўлсак, сўзнинг қат-қам-қатлам маънолари очилаверади. Бас, шудай экан сўзни қадрлайлик, имкониятларидан кенгроқ фойдаланайлик.

**МАЛИКЖОН БОБОРАҲИМОВ, филология фанлари номзоди, Фарғона давлат университети ўзбек адабиёти тарихи кафедраси доценти.**

# ҲАММАБОП ТАЛҚИНЛАР

**Муртазо СУЛТОНОВ,**

**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди.**

Истиқлолга эришган жумҳуриятимиз босқичма-босқич бозор иқтисодига ўтиб бормоқда. Ушбу жараённинг мамлакатимизга хос алоҳида хусусиятларидан бири шуки, ўтиш даври кескин тўфонларсиз, аста-секинлик билан, ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлиги шароитида кечмоқда.

Ҳурматли юртбошимиз мамлакатимизнинг бозор иқтисодига ўтишининг беш тамойилини белгилаб бердилар. Улардан бири — иқтисоднинг сиёсатдан устиворлиги. Дарҳақиқат, шундай. Зеро, халқимиз ҳам билиб айтган: «Бўш қоп тик турмайди».

Албатта, бозор иқтисоди жуда кўплаб ривожланган мамлакатларда қарор топган. Биз улардан ҳар қанча ўргансак, уларнинг тажрибаларини таҳлил қилсак, хатоларини такрорламасак — шунча соз. Шу билан бир қаторда, элимизда кўп асрлар давомида шаклланиб улгурган, афсуски, шўро империяси даврида халқ онгидан сиқиб чиқарилган бозор хусусидаги маълумотларни ҳам тиклаш фурсати аллақачон етиб келган. Ахир, ўзбек бозорга ўз дўпписи ва чопони билан кириб келади, деган гап чиройли таъбир эмас, айни ҳақиқат ҳамдир.

Бозор илми — мураккаб илм. Чунки у алоҳида мустақил ҳолида эмас, балки жуда кўплаб фанларни ўзига чоғиштирган ҳолда мавжуд бўлади. Бозор илмида, табиийки, алжабрдан тортиб то психология унсурларига қадар учратиш мумкин. Демак, келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг асосий бунёдкорлари бўлган ёшларимиз иложи борича мактаб партасиданоқ бу илмни эгаллашлари давр тақозосига айланиб бормоқда.

Равшанки, ойнаи жаҳондаги узлуксиз реклама ёки кўча гаплари воситасида бу илмни эгаллаб бўлмайди. Бозор илми — босқичма-босқич эгаллаб бориладиган, бутун жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда миллий хусусиятларимизни ҳисобга олиб ўтказилган мураккаб таҳлиллар натижасида юзага чиқади.

Шу жиҳатларни эътиборга оладиган бўлсак, мен ёзувчи, ношир ва тижоратчи Акбар Юнусовнинг «Бойишни истайсизми?» сарлавҳали китобини ўқиб чиқиб (Тошкент, 1993 йил, «Шарқ») дилимда мамнунлик туйдим. Ҳатто ўзимни кўпдан буён ўйлатиб юрган саволларга жавоб топгандек ҳам бўлдим.

Хўш, бойишни ким истамайди? Айниқса, ҳалол меҳнат билан пешона тер тўкиб ишлаш эвазига сармояга эга бўлинса, бунинг нимаси ёмон?

А. Юнусов китобини жуда содда, равон тилда битган. Сиз гўё асар ўқимаётгандайсиз, балки муаллиф билан гурунглашиб ўтирибсиз. Муаллиф ўзининг билимини кўз-кўз қилишга, ўз ақидаларини сизга зўрлаб сингдиришга уринмайди. Асло. Балки ҳаётий мисоллар, савдогарлар турмуши мисолида сермазмун хулосалар чиқаради. Сиз китоб мутолааси жараёнида кўнглингиз тубида пинҳоний орзу — бойиш истаги янада кучайганини .ҳис қиласиз. Беихтиёр, ижтимоий барқарорлик ҳукмрон, ишлаш учун барча шароитлар яратилган жумҳуриятда яшай туриб, нима учун бой яшамаслигим керак экан, деган хаёлга борасиз. Демак, ҳамма гап — одамнинг ўзида экан. Иш кўзини билиб меҳнат қилса, елиб-югурса, қийинчиликлардан қўрқмаса, энг муҳими бозор илми асосларини эгаллаб олса — бойиб кетиш ҳеч гап эмас.

Муаллиф ўқувчиларни қизиқтириб олиш учун бир зумда бойиб кетиш, олиб сотарчилик йўлларини ўрганишга берилиб кетмайди. У кўпроқ ишлаб чиқариш, хом ашё эмас, тайёр маҳсулот сотишнинг афзаллиги ҳақидаги ҳақиқатларга урғу беради. Шу билан бир қаторда бу гаплар қуруқ насиҳат тарзида эмас, жонли мисоллар ёрдамида бериладики, бу ҳол китобнинг савиясини янада оширган. Балки шунинг учундир китобдаги барча мисоллар — у хоҳ халифа Маъмун davридан олинган бўлсин, хоҳ асримизнинг йигирманчи йилларидан — бирдай қизиқиш билан ўқилади.

Яқинда бир сабаб бўлиб, А. Юнусов китобининг мантиқий давоми бўлган «Отанг бозор, онанг бозор» сарлавҳали янги асари қўлёзмасини ўқиб чиқдим.

Акбар Юнусов ушбу китобда ҳам халқчил, содда тилда бозор сир-синоатларини очишда давом этади. Таъбир жоиз бўлса, аввалги китоб орқали бозор алифбоси сабоғини олган ўқувчи энди унинг ички таркибини таҳлил қилишга ўтади. Албатта, жаҳон тажрибаси жуда катта гап. Лекин муаллиф жаҳон тажрибаси билан бир қаторда миллий қадриятларимизни унутмайди. Қайси бой инқилобдан олдин қаерда завод қурганини, бу ишни нима учун қилганини эринмай изоҳлайди. Ва ўқувчи ушбу тушунтиришлар жараёнидаёқ ўшал оқил боболаримизни кўз олдига келтириб, ғурур туяди.

А. Юнусовнинг навбатдаги китобида асарнинг қизил ипи бўлиб ўтган бир ғоя бор. У ҳам бўлса, назаримда, одамни деҳқон боқади, оламни эса савдогарлар боқади деган фикр. Албатта бу фикр аввалига баҳсли туюлади. Бироқ, ишончим комилки, асарни ўқиб чиқсангиз сиз ҳам бу фикрга қўшиласиз...

Маълумки, кўплаб ўқув юртлари, лицейларда ҳозирги кунда менежерлик, тадбиркорлик дарслари ўтилмоқда. Афсуски, уларда асосан чет эл муаллифларининг илмий дарсликлари ўқитилмоқда. Назаримда Акбар Юнусов сингари фидойи қаламкашларимизнинг асарларини кўп нусхаларда нашр этиб, ўқувчиларимиз қўлига етказиб бериш зарур.

Албатта, А. Юнусовнинг китоблари мукаммал, камчиликдан ҳоли деган фикрдан йироқман. Буни муаллифнинг ўзи ҳам тан олади. У бир неча бор ўз асарлари орқали жамоатчилик фикрини уйғотишга, баҳсга, мунозарага чорлашга интилганини таъкидлаб ўтади. Демак, ушбу китобларни ўқиб чиққан ўқувчиларимиз, мутахассисларимиз ўз фикр-мулоҳазаларини билдирсалар, ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб берсалар, нур устига нур бўлур эди. Бу ҳол бизнинг ҳаммамиз учун фойдали: биз ҳам миллий тилда ва руҳда ёзилган дарсликка эга бўлардик, ҳам бозор илми асосларини эгаллашда дадил қадам ташлаган бўлардик. Бозор илмини эгаллаш эса — замон талаби.

*Диққат, тажриба!*

## ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИ

Хива туманидаги 13-ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Ойгул Ниёзметованинг иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштиришга бағишланган бир кунлик семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Албатта, бунга етарли асос бор эди. У тарих ва ҳуқуқшунослик хоналарини қайта жиҳозлаган, миллийлаштирган ва синф кутубхонасини ташкил этганди. Шу куни илғор ўқитувчининг 6 соатлик дарси кузатилди ва таҳлил қилинди. О. Ниёзметова ўзининг семинар-дарс, мунозара-дарс, конференция-дарс, лекция-дарсларни юқори савияда ўтиб, бу борадаги маҳоратини яна бир марта намойиш қилди.

Семинар-кенгашда Хоразм вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ректори ўринбосари З. Ниёзов, институтнинг тарих ва ижтимоий фанлар бўлими мудири Б. Ёқубов, Хива туман халқ таълими бўлимидан М. Бекчонов ҳамда С. Зияев ва бошқалар қатнашдилар.

**Ғ. ЁҚУБОВ, ўз мухбиримиз.**



# ОДАМГА МУҲАББАТИМ БОР

### Бахшининг набирасини эслаб...

Маликул калом ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомизнинг табаррук номи билан аталувчи ёш ва навқирон Навоий вилоятининг сарҳадида жойлашган Хатирчи музофоти азал-азалдан зўр истеъдодларга, ноёб талантларга бой маскан бўлиб келган. Бу ерда яхшигина адабий муҳит шаклланган. Боболардан қолган муқаддас-бой, маънавий меросга бир неча авлод ўзининг, бутун борлиғини, қалб ҳароратини, юрак меҳрини бахшида этган. Халқимизнинг севимли ва талантли шоири Амирқул Пўлкан ҳам қорли чўққилари булутларга туш урган пурвиқор Оқтовнинг бағридан отилиб чиққан юлдуз эди. Бу юлдуз чақмоқ мисоли бир дақиқа чақнади-ю, жуда тез сўнди. У 1948 йилда Хатирчи туманидаги «Москва» (ҳозирги Аҳмад Ёрлақабов номидаги) жамоа хўжалигида ўзбек достончилигининг асосчиларидан бири бўлмиш, машҳур халқ бахшиси, улкан оқин «Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш», «Юнус пари», «Авазхон» сингари достонларнинг ҳассос куйчиси Пўлкан шоирнинг ўғли, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Умарқул Пўлкан хонадонида таваллуд топди. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ халқ оғзаки ижодига, жумладан, шеъриятга ҳавас қўйган ёш Амирқул кўп ўқиб ўрганди, тинимсиз равишда изланди. Билимга чанқоқ йигит ўрта мактабни битириб Тошкент давлат дорилфунунининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тугатди. Дастлаб Хатирчи туманидаги «Янги ҳаёт» рўзномасида адабиёт ва санъат бўлими мудири, кейинчалик эса «Ўзбекистон» нашриёти матбаа бирлашмасида, «Муштум», «Шарқ юлдузи» ойномаларида ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилди. Ижод муҳсулларини, кўнгил битикларини тўплаб китоб этди. Ундан биз шеърият мухлисларига «Булоқ», «Пойга», «Изҳор» «Юртим зиёси», «Гулдаста», «Ижарачи кампир», «Оҳанг» каби лирик ва ҳажвий шеърий тўпламлар, «Шайтоннинг ўлими», «Мангуликка суиқасд» достонлари, ўттизга яқин адабий-танқидий мақолалар, ҳали офтоб юзини кўриб улгурмаган бир туркум қораламалар қолди:

Лекин мен уфқни
қучмоқ истайман,
Ва токи юрмайман
дейман ўкиниб,
Ҳаётни қонгунча
ичмоқ истайман
Ҳаётим, сув каби
кетма тўкилиб.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин Амирқул Пўлканнинг ижодига юксак баҳо бериб, унга оқ йўл тилаб шундай деб ёзган эди: «Амирқул Пўлкан адабиётга дадил кириб келаётган истеъдодли ёшлардан бири. Унинг шеърлари халқ оғзаки ижодига хос рангин оҳангларга бойлиги, самимийлиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. У лирик шеърларида ҳам, ижтимоий мавзуларда ёзилган фуқаролик руҳидаги шеърларида ҳам ҳаётни бутун зиддиятлари билан тасвирлашга, инсон руҳий кечинмаларини ёркин бўёқларда акс эттиришга интилади».

*Суянган давлатим —*
*арконим Ватан,*
*Дунёда бору йўқ имконим*
*Ватан,*
*Юртимдан ўзга ҳеч*
*қуналгам йўқдир,*
*Орзуйим, армоним*
*имоним Ватан.*

***

*Кўклам кириб келар*
*кўзларга,*
*Йироқлардан келар*
*шамоллар.*
*Ҳусн берар баҳор қизларга,*
*яшнаб кетар бизнинг*
*томонлар.*

***

Оқар сувдир — умр дегани
Дарё эрур имиллаган вақт.
Сарсон қилур доим ҳаммани
Оху каби тутқич бермас бахт.

Ҳа, бу юракни ўртагувчи шеърлар... Оламга, одамга муҳаббати зўр, теран фикрли, жўшқин қалбли маъюс ва ўйчан юргувчи Амирқул Пўлканнинг порлоқ сиймосини ҳар дақиқа бўлса-да кўз олдимизга келтиради. Ҳар сафар шоирнинг шеърларини ўқиганимизда унинг ўктам, қувноқ овози қулоқларимиз остида жаранглагандай бўлаверади. Шеърларни ўқиб, беихтиёр ўйланиб қоласан, киши. Хатирчиликлар учун энг суюкли, энг ардоқли, халқ қалбига яқин бўлган ижодкор шоирни бевақт ажал 34 ёшида бу бевафо, бебақо дунёдан олиб кетди. У билан неча-неча уйғоқ тонглар, ҳали дунё юзини кўрмаган ажойиб сатрлар ҳам бирга кетди.

Қалбимизга таскин берадиган нарса шундаки, Амирқул Пўлканнинг қўлидан тушган қалам эгасиз қолганича йўқ. Уни Тошкент давлат дорилфунуни талабаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, ҳассос шоира сифатида танилаётган қизи Саодат Пўлканова ҳамда айни пайтда тумандаги Қори-Ниёзий номидаги 16-ўрта мактабда таълим олаётган ўғли Мақсуд Пўлкан маҳкам тутишди. Улар ҳам марҳум оталари каби ўзбек шеърияти қасрига ўзига хос услуб ва овоз билан кириб келишмоқда. Уларнинг шеърларида машҳур бобокалони Пўлкан шоирнинг халқпарварлиги, бобоси Умарқул Пўлканнинг ҳақгўйлиги ва ҳаётдан бевақт кўз юмган отаси Амирқул Пўлканнинг теран фалсафий қарашлари акс эттан. Саодат ва Мақсуд Пўлканнинг содда ва беғубор шеърларини «Юлдузча» нашриёти чоп эттан бир неча тўпламларда, жумҳурият рўзнома ва ойномаларида кўриш мумкин.

Инсон қадр-қиммати, хотираси ҳамма нарсадан азиз ва мўътабардир. Дарҳақиқат, шундай. Шоир туғилиб ўсган Хатирчи туманида ҳам бу борада анчагина ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Учқора» давлат хўжалигининг Мирдош қишлоғида Амирқул Пўлканнинг порлоқ хотирасини абадийлаштириш мақсадида унинг бюсти ўрнатилди. Аҳмад Ёрлақабов номидаги жамоа хўжалигида бир неча йил илгари ташкил этилган тарихий музейда эса шоир ижодига бағишланган махсус бўлим мавжуд. Бу ерда унинг турли йилларда нашр этилган китоблари, ижодкор дўстлари ва оила аъзолари билан тушган суратлари сақланади.

Биз мухтасаргина қораламани марҳум шоирнинг қуйидаги шеърий сатрлари билан якунлашни лозим деб топдик:

*Шон-шуҳрат деб яшамас*
*шоир,*
*У ташнадир меҳр-зиёга.*
*Бир дунёдир ундаги шафқат,*
*Лекин ўзи сиғмас дунёга.*

**Улуғбек ЖУМАЕВ.**

Амирқул ПЎЛКАН

### «Садоғангман, бир назар қил...»

Парилардан ҳуснинг минг бор зиёда,
Васлингни деб кездим пою пиёда.
Излай-излай охир топдим дунёда,
Садоғангман, бир назар қил, қаддингдан!
Тонглар отди, кунлар ботди, кўрмадим,
Ҳажринг билан баҳор ўтди, кўрмадим,
Қушлар келиб учиб кетди кўрмадим,
Кулбам сари бир назар қил, қаддингдан!
Ой деса — ой, кун деса — кун, дедилар,
Дунёда йўқ бағри бутун, дедилар,
Шоир халқи мисли мажнун, дедилар,
Майли, мени сар-басар қил, қаддингдан!
Ишқ майидан тотдим, аммо тўймадим,
Осмон—узоқ, ер—қаттиқ, деб куймадим,
Қайда бўлмай, фақат сени ўйладим,
Ёмон сўздан сен ҳазар қил, қаддингдан!
Неча йилки, бахтим сира кулмайди,
Гоҳ сен келсанг, гоҳо омад келмайди,
Энди сенга етишмасам бўлмайди,
Ҳажрингни сен мухтасар қил, қаддингдан!

### Куз

Шамоллар дарахтнинг баргини узар,
Шамоллар қамчилаб жунжитар таним.
Сарғайган боғларда олтин куз кезар,
Кузнинг оғушида бу кун Ватаним.
Дарахтлар либосин ечаркан аста,
Бўй чўзиб қолишар уфққа боқиб,
Қуёш эниб кетар уфқдан пастга,
Юлдузлар термилар чироғин ёқиб.
Япроқлар шивири йўқ энди бунда,
Сўппайиб турибди ялангоч тана.
Дарахтлар мудрашар юлдузли тунда.
Табиат бизларни сийлар деб, яна.
Паймона тўлган чоғ куз ҳам кетадир,
Мангу яралмаган фаслнинг бари,
Сўнгра қиш боғларга ташриф этадир,
Шамшири қайралган ботир сингари.
Кўп ўтмай қирларда ўт ҳам унади,
Бири-бирин такрорлар фасл ва ҳаёт.
Баҳорда кузакни истаб ёнади,
Куз пайти баҳорни қўмсар одамзод!

*

Ўтмишни хаёлдан қочиролмайман,
Манглайдан шўримни ўчиролмайман.
Ҳаммани кечирдим дунёга келиб,
Фақат мен ўзимни кечиролмайман.




# СПОРТ ФИДОЙИСИ

Ўзининг бутун умрини спортга бағишлаган инсонлардан бири Гигант Шариповдир. Аввало унинг ўзи Ўзбекистон шарафини турли халқаро ўйинларда ҳимоя қилиб, гимнастика бўйича спорт устаси бўлишга эришди. Сўнг эса Тошкент шаҳар мактаблари қошида спорт базаларини яратишга ҳам анча меҳнат сарф этди. Айни кунда у Тошкентдаги 169-мактабда фаолият кўрсатмоқда.

Таътил мавсуми бўлишига қарамай, Гигант Шариповни ҳозир ҳам мактабдан топишингиз мумкин. Буни «Ҳувайдо», «Бўстон», «Ўзбекистон» ва «Муртазоев» маҳаллаларининг болалари яхши билишади. Мактабга келишиб шахмат, шашка, стол тенниси ва албатта футбол ўйнашади. Оилавий футбол ўйинлари ўтказилади ва ўйинни томоша қилган кўплаб ишқибозлар ҳордиқ чиқаришади. Маҳалланинг вояга етмаган болалари милициянинг махсус рўйхатида турмаслигига ҳам устознинг хизмати бўлса керакки, «Ҳувайдо» маҳалласининг раиси Олимжон Неъматов ҳам у ҳақда илиқ фикрлар айтди. Бундай кишиларни ростдан-да фидойи деса арзийди.

Суратларда: Г. Шарипов уюштирган мусобақалар пайти.

Р. АЛЬБЕКОВ.



*Бири кам дунё*

### ОНАСИНИ КЎРИБ...

АНҚАРА. ОИТС (СПИД) вируси Туркиянинг Истамбул шаҳрида чақалоқларда биринчи марта қайд қилинди. Бири тўрт ойлик, иккинчиси икки ойлик бўлган бу чақалоқлар онасининг қорнида орттирган ОИТС вируси билан туғилди. Туркияда ушбу кунгача фақат вояга етган кишилардагина бу вирус бор деб ҳисобланарди. Мунтазам кузатишлар ОИТС вируси онадан болага ўтиши юздан 30 фоизгачани ташкил қилишини кўрсатди. Халқимиз бежиз: «Онасини кўриб, қизини ол...» — демас экан-да. Дунёда ҳозир бир миллион ОИТС вирусли болалар бор.

### ЖАСАД БИЛАН ЕТТИ ЙИЛ

БОЙЗЕ. Америко Қўшма Штатларининг Ойдаҳо штатидаги Бойзе шаҳрида истиқомат қилувчи Роберт Фаррелл деган кимса севимли онасининг мўмиёланган жасади билан етти йил яшабди. Онаси Георгия Фарреллнинг мўмиёланган жасади қўшниларининг кузатиши натижасида маълум бўлиб қолди. Олтмиш ёшли Роберт Фаррелл даволаш учун Авлиё Алфонсис номли вилоят соғлиқ марказининг психиатрия бўлимига ётқизилди. Фаррелл билан бир уйда яшаган доктор Роберт Маккэн кўрсатмасича, Фаррелл хонасида бўлгани ҳолда қўшнилар тақиллатишига қарамай, эшикни очмаган. Кейин бошқа очиқ эшикдан хона ичкарисига киришиб, Фаррелл хонимнинг худди телевизион томошада ўтиргандай мўмиёланган жасадига кўзлари тушган. Шу заҳотиёқ зудлик билан полицияга хабар берилган.

### ЎҒРИ ОИЛА

СТОКГОЛЬМ. Швецияда ўғрилик билан доимий шуғулланадиган оила қўлга тушди. Энг кичиги 18, каттаси 61 ёшда бўлган оила аъзолари 8 турдаги кўплаб мол ўғирлашган. Бу ашёлардан 475 хилининг эгалари топилмагани сабабли, бутун оила икки йил қамоқда тутилади, кейинчалик маҳкама чиқарган жазо ҳукмига биноан мамлакатдан чиқариб юборилади. Яъни бошқа юртларга «экспорт» қилинади...

### СОҲИБИНИ ЎЛДИРГАН ИТ

Газетамизнинг ўтган сонида инсон итни тишлаб ўлдиргани ҳақида ёзган эдик. Қуйидаги воқеа эса бунинг тамоман акси.

Урусиянинг Сизрань шаҳрида овчи ит ов милтиғининг тепкисини босиб юбориб, эгасининг ўлимига сабабчи бўлди.

Ити билан кийик овига чиққан 34 ёшли киши овдан қайтишда ўқланган милтиғининг тепкисини ёпиб қўйишни унутади. Ит тўсатдан тепкини босиб юбориши натижасида отилган икки ўқ овчининг бошига тегди. «Тез ёрдам» овчини касалхонага вақтида етказган бўлса ҳам, шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қололмадилар. «Сайдинг қўябер сайёд...»

# ТАБИАТ: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА

Дунёга келган ҳар бир инсон фарзанди турфа гўзалликларни кўриб, ундан лаззатланиш, йилнинг тўрт фаслидан, мовий осмону нурли қуёшдан қониқиб яшаши керак. Она табиат қанчалик соф, мусаффо, хушманзара ва гўзал бўлса, одамлар шунчалик бардам, соғлом бўлиб, олам гўзалликларидан завқланиб яшайди. Ҳаётда мазмунли умр кечиришликка нима етсин. Яхшилик яхши. Ерга, Сувга, Ҳавога қилинган яхшилик ҳам инсонни ноумид қолдирмайди.

Озор чеккан табиатни бир киши даволай олмайди. Унга ҳамма-ҳаммамиз бош-қош бўлмоғимиз керак. Бу муҳим ва ҳаётий вазифани фақат таълим ва тарбия билангина амалга ошириш мумкин. Табиатга фидойилик фақат экологик тарбия билангина йўлга қўйилади. Бу тарбиянинг асоси ва боши оиладан, маҳалла-куйдан бошланса ижобий натижалар беради, албатта.

Мустақил Ўзбекистонимизда мажбурий таълимнинг ягона тизими мавжуд. Шунга мувофиқ мактабгача тарбия муассасаларида, умумтаълим мактабларида экологик тарбияга эътиборни кучайтирмоқ лозим ва шарт. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонуннинг (1992 йил 9 декабрь) 4-моддасида ҳам «Барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги» қайд этилгандир.

Яқинда Жиззах шаҳрида худди шундай экологик таълим-тарбия муаммоларига бағишланган «Табиат: кеча, бугун ва эртага» II-Республика ўқувчиларининг илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда ўқувчи-ёшларимизнинг мушоҳадага бой бўлган мунозарали, мулоҳазали маърузалари республикамизнинг эколог олимлари томонидан тингланиб, ўз баҳосини олди.

Ўқувчиларнинг илмий-амалий анжумани шўъбалари ишига профессор Эшбой Турдиқулов, доцентлар — А. Ҳабибуллаев, М. Мирбобоевлар раислик қилишди. Шунингдек, шўъбалар ишида Жиззах педагогика институти «Табиатшунослик асослари» кафедрасининг мудири, доцент Неъматжон Исматов, Ўзбекистон УЭТМ методисти, доцент А. Қобулжонов, Жиззах шаҳридаги 6, 32-мактабларнинг биология ўқитувчилари Қ. Расулов, О. Раҳмоновлар иштирок этдилар.

«Табиат ва инсон» шўъбасида биринчи даражали дипломни Шаҳрисабз туманидаги Жуковский номли мактабнинг 11-синф ўқувчиси С. Юзбоева — «Она бўлиб қолган табиат» маъруза-тадқиқоти учун олди. «Экология ва инсон саломатлиги» шўъбасида биринчи ўрин Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги Нафис санъат мактабининг 9-синф ўқувчиси И. Имонқуловга — «Ургут қишлоғининг экологик ҳолати» иши учун берилди. «Табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни қўриқлаш» шўъбасида биринчи ўрин Қибрай туманидаги 15-мактабнинг 11-синф ўқувчиси С. Эрназаровнинг — «Она ватанимнинг олтин тупроғи» мавзуидаги тадқиқот иши учун берилди.

Илмий-амалий конференцияда барча вилоятлардан келган ўқувчиларнинг қирққа яқин маърузалари тингландики, бу ишлар Орол ва Сурхондарё минтақасига ўта хавф туғдираётган муаммолар ечимига қаратилганлиги билан диққатни жалб этади.

Инсон боласи олдида иккита муҳим бурч ҳисси бор, булардан бири ўз насл-насабини тарбиялаб қолдириш бўлса, иккинчиси келажак авлодлар учун табиат ва унинг бойликларини асраб, бойитиб боришдан иборат. Ёшлар онгида бу ҳисни ўстириш, уларга чуқур экологик тарбия бериш йўлида эса бу каби илмий-амалий конференцияларни кўплаб ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

**Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бош мутахассиси, биология фанлари номзоди.**

*Қутлаймиз*



# ОНА-МУАЛЛИМА

*Дунёдаги жамики оналарни муаллима дегим келади. Негаки, улар гўдак дорулфанода кўз очган кунданоқ ўзларининг оппоқ сутлари билан унга қувват ато этиш баробарида қалбига меҳрибонлик, садоқатлилик, поклик каби бир талай одамийлик хислатларини жо этади. Ҳар миллат аёли ўз тилида айтса-да, оҳанги бир-бирига монанд бўлган алла эса болага борлиқ гўзалликларни англашга, нозик дидли бўлишда кўмаклашади. Шу тахлит бошланадиган инсон тарбияти токи аёл тирик экан, давом этаверади.*

*Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган она — Раъно Қосимова юзлаб шогирдлари устози. Йигирма саккиз йил давомида уларга илму одоб улашиб, меҳрибонларига айланган.*

*— Мактаб ҳақида гап кетганда «таълим-тарбия» сўзлари жуда кўп такрорланади. Бу бежиз эмас, — деди Раъно опа. — Чунки ҳар бир ўқитувчи ўз фани орқали болага тарбия ҳам беради. Мен ўқувчиларимга тарихни тушунтириш билан бирга ўтмиш воқеа-ҳодисаларидан тўғри хулоса чиқаришни, ўз муносабатини билдиришни ўргатаман. Ота-боболаримиз яшаб ўтган давр, яъни биз учун тарихга айланган ҳар бир кун, ҳар бир йил муқаддас эканлигини улар онгига сингдираман.*

*Муаллимлик касби заҳмати эвазига топилган нон таъми, оиладаги таълим-тарбия ҳақидаги бир-биридан қизиқ суҳбатлар Раъно опанинг ҳам муаллима бўлиб етишига сабаб бўлган бўлса, ажабмас. Негаки, отаси Ҳамза ака ўттизинчи йилларда Нарпай туманидаги энг тажрибали ўқитувчилардан бири саналарди. Раъно опа эса Самарқанд давлат университетида таҳсил олгач, тақдир тақазоси билан Тошкентда яшай бошлади. Пойтахтдаги бир неча мактабларда ўқитувчи, илмий мудир, директор ўринбосари каби лавозимларда ишлади.*

*Ҳозирда нафақада бўлса-да, Раъно опа Ўрикзор маҳалласи раисаси. Ташвишлари кўпайгандан кўпайган. Ҳали маҳаллани ободонлаштириш, ҳали тўй, маърака, ҳали ўзаро жанжалларни тинчитиш, хуллас, зерикишга вақт йўқ. Маҳалла аҳли ҳам Раъно опани ҳурмат қилишади. Ахир олти фарзандини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, олий маълумотли қилиб, уйли-жойли қилган она ўгитини ким ҳам олмайди дейсиз. Тўнғич ўғли Ғофуржон — ҳарбий, подполковник, Кунсулув — шифокор, Қаҳрамон — Ўзтелерадиокомпаниясида бўлим бошлиғи, Шуҳрат — инженер-техник, Шавкат ҳарбий академияда таҳсил олмоқда, майор, кенжа ўғли Равшанжон Россиянинг Ростов вилояти давлат банкида бўлим бошлиғидир.*

*Олтмиш йил... Тарих олдида томчидан заррага менгзаладиган бу давр инсон учун не-не синовларга тўлиб-тошган. Қолаверса унинг нимага қодирлигини кўз-кўз қилиш учун берилган бир фурсат. Бугун Раъно опа ҳаётининг шу каби довонларини ўзининг меҳнаткашлиги, меҳрибонлиги боис забт этиб, янада юксакроқ чўққиларга нигоҳ ташлаб турибди. Умр йўлдоши Эшқора ака билан биргаликда фарзандлари камолотидан масрур. Шундайин шодон кунларда Раънохон аямизга омонлик тилаймиз. Бошлари тотли ташвишлардан сираям чиқмаслигини истаб қоламиз.*

**Абдусамад РАҲИМ.**

# АЛП ЖАМОЛ НОМИДАГИ МУКОФОТ

Мустақиллик шарофати билан миллий адабиётимизни ҳар жиҳатдан ривожлантириб боришга кенг йўл очилди. Шу кунларда маънавий ҳаётимизни янада бойитиш ва такомиллаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабииётимизнинг турли соҳаларини рағбатлантириш чораларини изламоқда. Ўз вақтида Алп Жамол тахаллуси билан қалам тебратган ёзувчи ва драматург Жамолитдин Асомитдиновнинг улкан хизматларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Матбуот маркази ҳамда «Алп Жамол» фирмаси ҳамкорликда «Алп Жамол» номида мукофот таъсис этди.

Ушбу мукофот танловида барча ёзувчилар, драматурглар ва режиссёрлар иштирок этишлари мумкин.

Алп Жамол номидаги мукофот танлови ҳар икки йилда бир маротаба ўтказилади. Мукофот адиб таваллуд топган кун 22 августда топширилади.

Битта биринчи мукофот —100000 сўм

Битта иккинчи мукофот — 50000 сўм

Битта учинчи мукофот — 25000 сўм.

# ХОТИРА ТУРНИРИ

Дулдул қишлоғи аҳли Бозор Ишев номини ҳурмат билан тилга олишади. У Кармана туманидаги 15, 17, 18 ва 24-мактабларда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, директор бўлиб ишлаб, кўп шогирдлар етиштирди, хайрли ишларга бош-қош бўлди.

1940 йилда — 18 ёшида армия сафига чақирилган Бозорбой ака шиддатли жангларда қатнашиб, 1942 йилда оғир жароҳатлангач, қишлоғига қайтиб ўқитувчилик қилди. У сиртдан ўқиб, Бухоро педагогика институтини тамомлади.

Бозор Ишев бундан 18 йил бурун оламдан ўтди. Лекин ўз ҳаётининг 30 йилдан ортиқроқ қисмини мактабга, ёш авлод тарбиясига бағишлаган устознинг яхши амаллари унутилгани йўқ. Яқинда домла хотирасига бағишлаб шахмат ва шашка турнири ўтказилди. Мусобақада тумандаги таниқли шахмат ва шашка ишқибозлари иштирок этишди.

Ғолиблар «Ортиқ тош» кичик корхонаси совринлари билан тақдирланди.

**Р. НАСИМОВ, Навбаҳор туманидаги 24-мактаб директори.**

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, маориф ходимлари касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси, Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлими 197-мактаб директори Ақида Тўлагановага падари бузруквори

ҒАФФОР ота

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент педиатрия-тиббиёт институти ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси жамоаси кафедра катта ўқитувчиси Нормўмин Очиловга онаси

Кумуш ОЧИЛОВАнинг

вафот эттанлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«МАЪРИФАТ»

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Ҳалим Сайид.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0305. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6